

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

С. М. НИЗАМОВ

ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ
БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

Тошкент – 2016

*Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академиясининг
Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Тақризчилар:

Тошкент шаҳар ИИББ Ташкилий-инспекторлик бошқармаси бошлиғи
юридик фанлар номзоди, доцент **А. Ш. Умарханов;**
юридик фанлар номзоди, доцент **Д. М. Миразов**

Низамов С. М.

**Н – 61 Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича дастлабки
тергов органлари фаолиятини ташкил этиш: Ўқув қўлланма. –
Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2016. – 69 б.**

Ўқув қўлланмада мамлакатимиз жиноят қонунчилигида ярашув институтининг жорий этилиши, уни қўллаш шартлари ва дастлабки тергов органларининг ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш бўйича фаолиятини ташкил этиш масалалари таҳлил қилинган. Ярашув институтини қўллаш ва уни такомиллаштиришга оид тавсиялар берилган.

Юридик олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, катта илмий ходим-изланувчилари, тадқиқотчилар, тингловчи-курсантлар ҳамда суриштирув, тергов, суд ва прокуратура органлари ходимларига мўлжалланган.

ББК 67.99(5У)93я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси, 2016

КИРИШ

Инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари муҳофаза қилинишини таъминлаш фуқаролик жамияти куриш йўлини танлаган ҳар қандай давлатнинг асосий вазифаси, ажралмас белгисидир. Унинг амалга оширилиши шахснинг ҳуқуқ-тартибот ҳамда жиноятчиликка қарши кураш соҳасида давлат ва унинг органлари билан вужудга келадиган муносабатларини, инсон ҳаёти учун жуда муҳим бўлган соҳаларига аралашувлардан сақланишини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари, давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасига ўзида мавжуд восита ва усуллар орқали инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш вазифасини юклайди.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, аввало, инсон манфаатларини олий қадрият сифатида тан олиш, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, мавжуд ҳуқуқий нормаларни амалга татбиқ этиш самарадорлигини ошириш ҳамда қонунларни эркинлаштиришга қаратилган. Зеро, Республикамиз Президенти Ислоҳ Каримов таъкидлаганидек, «мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир»¹.

Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг жиноятга оид сиёсати йўналишини сифат жиҳатидан ўзгартиришни, уни такомиллаштиришни англатади. Чунки демократик жамиятда инсон шахсини ҳуқуқий жиҳатдан кўриқлаш зарурлиги, унинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва кадр-қимматини эса муҳим ижтимоий бойлик сифатида эътироф этиш назарда тутилади. Жиноят қонунининг инсонни инсондан ва инсонни давлатдан ҳимоя қилишда ифодаланган ижтимоий, инсонпарварлик вазифаси ана шунда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида халқимизнинг кечиримлилик, бағрикенглик, инсонийлик каби азалий қадриятларини ўзида мужассам этган жиноий жавобгарликдан ярашилганлиги муносабати билан озод қилиш институти мавжуд. Мазкур институтнинг «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б.15–16.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун асосида Жиноят кодексига киритилиши давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатида муҳим қадам бўлди.

Ушбу ҳолатлар давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатининг сифат даражаси ошганлигини англатади ҳамда томонларнинг ярашуви институтининг миллий қонунчилик даражасида тартибга солинишига асос бўлиб хизмат қилади. Томонлар келишуви янгича ҳуқуқий ҳодиса бўлишига қарамай, у чуқур тарихий илдизга эга, чунки бағрикенглик ва фуқароларнинг бир-бирини тушуниши доимо бизнинг миллий маданиятимиз ва менталитетимизга хос бўлган.

ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ МОҲИЯТИ ВА ИЖТИМОЙ ЗАРУРАТИ

Мамлакатимизда ярашув институти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан 2001 йил 29 августда қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун асосида жорий этилди.

Мазкур институт халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналаридан келиб чиқиб миллий қонунчилигимизда ифода этилганлиги учун ҳам бугунги кунда энг самарали қўлланилаётган институтлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бу ҳақда Президентимиз Ислом Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да фикр билдириб, «мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди»¹, деб таъкидлаб ўтган эди.

Дарҳақиқат, халқимизга хос бўлган бағрикенглик, кечиримлилик каби инсоний қадриятлар истиқлол шарофати билан қонунларимизда ўз ифодасини топганлиги фуқароларимизнинг манфаатларига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, ярашув институти жамиятда ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаб, юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги янада юксалишига ҳамда жамиятимизда вужудга келиши мумкин бўлган янги зиддиятли ҳолатларнинг олди олинишда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «бағрикенглик» тушунчасига «масалага кенг кўламда, очик кўнгиллик билан ёндашиш», деб таъриф берилган. «Кечиримлилик» эса, «афв этиш», «кечириш мумкин» деган мазмунда ифодаланади.

¹ Каримов И. А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. – Т., 2011. – Б. 360.

Албатта, кечира олиш, меҳр-оқибат кўрсатиш, катталарга ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, қариндошлик, дўстлик, қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш халқимизнинг азалий қадриятларидандир. Халқимиз ҳар қандай келишмовчиликни тинч йўл билан, муроса-ю мадора асосида ҳал этишга одатланган. Низолашган икки инсонни яраштириш ана шундай хайрли амаллардандир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъбири билан айтганда, «Ўзбекистон – ягона оила. Мақсад ҳам, унга эришиш йўли ҳам аниқ. Ана шу йўлда жипслашмоқ учун ўзаро меҳр-оқибатли, ўзаро кечиримли бўлиш керак»¹.

Ярашув институти шахснинг жамиятда тутган мавқеини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарликка тортилиши натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишга хизмат қилади. Агар бунинг акси бўлса, оила муҳитига дарз кетиши, фарзандлар маънавиятига салбий таъсир кўрсатишини тасаввур қилиш қийин эмас. Шу нуқтаи назардан, ярашув институтининг жорий этилиши одамлар, айниқса, қариндошлар, қўни-қўшнилар ўртасида келиб чиқадиган келишмовчиликни муроса-ю мадора йўли билан ҳал этишда муҳим восита бўлмоқда. Бу эса қонунларимиздаги одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари устуворлигининг яққол намунасидир.

Айтиш жоизки, ярашув институти одил судловни тиклаш нуқтаи назаридан муҳим амалий хусусиятига эгаллиги ҳамда халқимизнинг менталитетига тўла-тўқис мос келиши сабабли мазкур институтнинг қўлланилиш доираси мунтазам равишда кенгайиб бормоқда. Бугунга келиб, амалдаги Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, 60 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти вужудга келди. Ўйлаймизки, келажакда ярашув институтини қўллаш доираси янада кенгайиб бораверади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, жиноят-процессуал муносабатларда ярашув институтининг қўлланилиши натижасида жиноий жавобгарликдан озод бўлган шахслар сони ҳам йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Ярашув институтининг амалдаги қонунларда ўз ифодасини топганлигига кўп вақт бўлмаса-да, ўтган қисқа давр ичида 163 мингга яқин шахс мазкур инсонпарварлик тамойилидан баҳраманд бўлди. Қолаверса, ярашув институти жамиятда судланган шахслар сонини камайтирибгина қолмай, унинг узоқ давом этадиган, ҳатто авлодлар

¹ Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Т., 1996. – Б. 207.

тақдирига ҳам салбий таъсир ўтказадиган оқибатларининг олдини олиш имконини беради. Зеро, айбга иқроор бўлишни рағбатлантираётган мазкур ҳуқуқий институт ортиқча суд-тергов ҳаракатлари ва у билан боғлиқ харажатларга барҳам бериб, жараёни тезлаштириш ва соддалаштириш сари кенг йўллар очмоқда.

Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, жиноятни нафақат биринчи марта содир этган шахслар, балки муқаддам ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этганлиги учун судланган шахсларга нисбатан, ҳатто уларнинг судланган ҳолати бекор қилинмай туриб ҳам, ярашув институтини қўллаш мумкин.

Эътиборли томони шундаки, бугунги кунга келиб, амалдаги қонунларимизда оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланган ёки судланганлиги олиб ташланган шахслар ҳам, агар жабрланувчи билан ярашса, жиноий жавобгарликдан озод бўлиш имкониятига эга бўлади.

Амалдаги жиноят ва жиноят-процессуал қонун нормаларига мувофиқ, ярашув институтини қўллаш учун қуйидаги шартлар бажарилган бўлиши лозим:

1) содир этилган жиноий қилмиш Жиноят кодексининг 66¹-моддасида қайд этилган бўлиши;

2) жиноят содир этган шахсининг, яъни гумон қилинувчи ёки айбланувчининг айбига иқроор бўлганлиги;

3) жабрланувчига етказилган зарарнинг бартараф қилганлиги;

4) жабрланувчи билан гумон қилинувчи (айбланувчи)ни ярашганлиги, яъни жабрланувчининг кечирганлиги.

Бинобарин, ярашув институти жабрланувчи томонидан фақатгина кечириш эмас, балки жиноят содир этган шахсга нисбатан унинг дастлабки билдирган талаб ва даъволаридан воз кечиши ҳамдир. Бу ҳолат жабрланувчининг аризаси билан кўзғатилган жиноят иши тугатилишини англатади.

Ярашув факти процессуал тартибда расмийлаштирилиб, у айбдор шахс, жабрланувчи ва ваколатли шахс томонидан имзоланган ва тасдиқланганда расмийлаштирилади.

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки тергов, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, лекин суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зарар бартараф этилгани ва ярашганлик муносабати билан жиноят иши юритилишини тугатиш тўғрисида

илтимос кўрсатилган бўлиши керак. Бундай ариза суд муҳокамаси ўтказилаётганда берилса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришиши лозим. Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилгандагина ярашув тўғрисида гап бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда ўтказилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларидан кўзланган мақсад фақат жабрланувчи билан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчиларни ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатишгина бўлиб қолмай, балки жиноят содир этган шахсларнинг кейинги тақдири, уларнинг ижтимоий ҳаётга кўникиши, хулқ-атвори каби муаммоларни ҳал этиш масалаларини ҳам ўз ичига қамраб олади. Шунинг учун жамиятда мазкур институтнинг қўлланилишини янада кенгроқ тарғиб қилиш, ёшларга мазкур институтнинг ҳуқуқий асослари ҳамда тартибини ўргатишга алоҳида аҳамият бериш, уларнинг мафкуравий иммунитетни кучайтириш, уларда одамийликни мустаҳкамлаш давр талабидир.

ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 2001 йил 29 августда «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни¹ қабул қилинганидан сўнг жиноят процесси соҳасида янги институт – ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш тартиби жорий этилди.

Айтиш керакки, ушбу қонунни қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад – жиноят бўйича ишлар якунини самарали ҳал қилиш учун ярашув институтини такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг мантиқий давоми сифатида жиноят ишлари бўйича суд ишини юритишни янада либераллаштиришдан иборат. Аниқроқ айтадиган бўлсак, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллаш доирасини янада кенгайтириш назарда тутилган.

Ярашув институтининг жорий этилиши жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштиришда муҳим босқич бўлиб, мазкур ҳуқуқий институт жиноий жавобгарликдан озод қилиш турларидан бири сифатида, жиноят содир этган шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб, қатор жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг VI сессиясидаги маърузасида ярашув институти ҳақида гапириб, жумладан қуйидагиларни таъкидлайди: «Жабрланувчи билан ярашув» тўғрисидаги алоҳида тоифадаги ишларни юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштиришда муҳим қадам бўлади. Хўш, бу ерда гап нима ҳақда бормоқда? Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса, ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқиба-тида келтирилган зарарни тўласа, жабрланувчи билан ярашса, суд ишни ҳаракатдан тўхтатади. Бу ҳолатда жиноят содир этган шахс

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 165-м.

судланган деб ҳисобланмайди. Муҳими, дастлабки тергов ишларини олиб бориш ва ишни судда кўриш учун сарфланадиган муддатлар қисқаради. У узоғи билан уч ҳафтагача чўзилиши мумкин»¹.

Ярашув институтини қўллашнинг кўлами ва самарадорлиги йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу унинг халқимиз миллий менталитетидан келиб чиқиб жорий этилган институт эканлигидан далолатдир. Зеро, халқимизнинг кечиримлилиги, бағрикенглиги жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилган. Қолаверса, ҳар қандай вазиятда мураса-ю мадора йўлини танлаб иш тутиш, имкон борича иккитомонлама ўзаро келишувга эришиш халқимизга хос хусусиятлардан бири ҳисобланади.

Дарҳақиқат, «ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш жиноятдан жабрланган шахс ҳамда жиноий қилмишни биринчи марта содир этган айбдор шахс (гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи) ўртасида жабрланувчининг жиноятгача бўлган мақомини тўлиқ тиклаш ва жиноят туфайли етказилган зарарни бартараф этиш тўғрисида аҳдлашувга келиш орқали жиноят ишини тугатиш турларидан биридир»².

Демак, юқорида қайд этилган фикрларни инобатга олиб айтиш мумкинки, ярашув институтининг жорий этилганлиги нафақат инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ғоясига, балки халқимизнинг менталитетига, дунёқарашига ҳам ҳар томонлама мос келади. Чунки миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади. Бундай шахслар томонидан Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар содир этилган ҳолларда, агар улар қилган қилмишларига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жабрланувчи билан ярашиб, етказилган моддий ва маънавий зарарни қопласалар (ёки жабрланувчи зарардан воз кечса), уларни жавобгарликка тортишга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Шуни қайд этиш лозимки, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари туфайли узоқ вақт мобайнида жазолаш ва репрессия воситаси бўлган судлов жараёни жиноят процесси институтини давлатнинг муҳофаза воситасига айлантиришга қаратилди. Бу, ҳеч шубҳасиз, муайян фуқаронинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш вазифаси биринчи ўринга чиққанидан далолат беради. Айнан шу мақ-

¹ Каримов И. А. Адолат – қонун устуворлигида // Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б.44.

² Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б. А. Миренский, А. Х. Рақмонкулов, Ж. Камалходжаев, В. В. Қодирова. – Т., 2004. – Б.507.

садда, «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ, 2001 йилда жиноят процессига ярашув институти киритилди. Дастлаб Қонунда мазкур институтни ижтимоий хавфи катта бўлмаган 27 та жиноят таркиби бўйича қўллаш имконияти назарда тутилди.

Ўз навбатида, жиноят процессуал қонунчиликда ҳам ушбу модда-ни қўллаш тартиби белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш» деб номланган 62-боб билан тўлдирилди. Ушбу бобда ярашув тўғрисидаги аризининг жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкинлиги, аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шартлиги, агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришиши лозимлиги, иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлган ҳолларда фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкинлиги, аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шартлиги белгилаб қўйилди. Шунингдек, ярашув институти қўлланилиши назарда тутилаётган жиноят ишини судга юбориш тартиби, ушбу жиноят ишининг суд муҳокамаси ҳамда суд ажримини тузиш қоидалари баён этилди.

Албатта, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш суд қонунчилигимизда янги жорий этилган институт бўлиб, дастлабки йилларда ушбу қонунни қўллашда хато ва камчиликлар, айрим муаммолар келиб чиқишига сабаб бўлди. Масалан, айрим ҳолларда жабрланувчи гумон қилинувчининг қариндоши, ҳамкасби ёки бошқа бир яқин кишиси бўлиши ва у зарардан воз кечиши мумкин. Бундай ҳолатда жабрланувчига етказилган зарарнинг қопланиши лозимлиги ҳақидаги шарт ўз-ўзидан амалга ошмайди. Юқори-

даги ҳамда ярашув институти билан боғлиқ бошқа ҳолатларда амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатларни судларга тушунтириш лозимлигидан келиб чиққан ҳолда, суд амалиётида мазкур ҳуқуқий институтнинг бир хилда қўлланилиши ва қонун талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш мақсадида, 2002 йил 25 октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори қабул қилинди¹.

Шуни қайд этиш лозимки, ўтган йиллар давомида мамлакатимизда ярашув институтини қўллаш мумкин бўлган жиноят таркиблари доираси тадрижий равишда кенгайтирилиб борилди. 2001 йилда бундай жиноят таркиблари сони 27 тани ташкил қилган бўлса, 2004 йил 27 август² ва 2005 йил 31 декабрь³ қонунлари билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин бўлган жиноят таркиблари сони 42 тагача кўпайтирилди. Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 3 апрелдаги қонуни⁴ билан Жиноят кодексининг 66¹-моддасидаги жиноятлар рўйхати 11 та жиноят таркибни назарда тутувчи 9 та модда билан, Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 29 декабрдаги қонуни⁵ билан 66¹-моддадаги жиноятлар рўйхати 7 та жиноят таркибни назарда тутувчи 4 та модда билан тўлдирилди.

Шундай қилиб, ҳозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ярашув институти қўлланилиши мумкин бўлган 60 та жиноят таркибини назарда тутувчи Жиноят кодексининг 44 та моддасини ўз ичига олади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, ярашув институти жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигимизда янгилик бўлиб, қуйидагиларни назарда тутуди: биринчидан, у одил судловнинг ҳуқуқни тиклашга асосланган шакли бўлиб, унинг воситасида ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган ишлар тезкорлик билан самарали ҳал қилиниши мумкин, иккинчидан, мазкур институт жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини янада тўлиқроқ ва самаралироқ ҳимоя қилиш имконини яратади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. – 1991–2006. 2-жилд. – Т., 2007. – Б.126.

² Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2004. – № 37. – 408-м.

³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2005. – №43. – 518-м.

⁴ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2009. – №15. – 171-м.

⁵ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2013. – №1. – 1-м.

Мазкур институтнинг афзаллиги шу билан белгиланадики, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишни тартибга солувчи нормалар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноий қилмишни содир этган, шунингдек моддий ёки маънавий зарарни тўлиқ қоплаган шахсларнинг жиноий жавобгарликка тортилмаслиги учун имконият яратади.

Одил судлов жазоловчи хусусиятга эга бўлган ва кам аҳамиятли жиноятлар учун ҳам озодликдан маҳрум қилиш жойларига узоқ муддатга тушиш мумкин бўлган тоталитар-буйруқбозлик тизими ҳукм сурган даврдан фарқли ўлароқ, ярашув институти мустақиллик ва инсонпарвар демократик давлат қуриш жараёнида жорий этилган алоҳида институтлардан бири сифатида, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш имконини беради ва бу судланганликни келтириб чиқармайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «қонунчиликда одил судловни амалга ошириш шаклларида бири – ярашув институтининг жорий этилиши қонунийликни мустаҳкамлашда ижобий омил бўлди»¹.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги норманинг киритилиши билан жиноят содир этиб, ўз қилмишидан пушаймон бўлган шахсларнинг жавобгарлиги масалаларини ижобий ҳал қилиш имкониятлари яратилди. Хусусан, жиноятдан жабр кўрган шахсининг ҳам, жиноят содир этган шахсининг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишга кенг йўл берилди.

Яраштириш жабрланганга нафақат маънавий, иқтисодий фойда келтиради, балки жамият барқарорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади, яъни: ярашув жамиятда тинч-тотувликни таъминлайди, зўравонлик ва шафқатсизлик камайишига олиб келади; қонунбузарликларнинг олдини олишда фуқаролик жамиятининг асоси бўлган ўзини ўз бошқариш органлари ролини оширади; ҳуқуқ-тартибот ходимлари учун бюджетдан ажратиладиган харажатларнинг сезиларли камайишига олиб келади.

Хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилиги ва жиноятчиликка қарши кураш амалиётининг таҳлили одил судловнинг анъанавий шакллари ўрнига ушбу жараённинг ўрнини босадиган бошқа янги ҳуқуқий институтлар: медиация, ярашув, музокаралар,

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир // Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т., 2005. – Б. 186.

арбитраж, минипроцесс кабилар вужудга келганлигини кўрсатади. Медиациянинг киритилиши Европа Кенгаши ва БМТнинг бир қатор ҳужжатларида тавсия этилган, унинг назарий моделлари Болгарияда ишлаб чиқилган. Аммо шуни айтиш жоизки, Болгарияда ярашув институти ҳалигача назарий шаклда бўлиб, жиноят-процессуал қонунчилигига киритилмаган, фақат прокурор ва химоячи ўртасидаги келишув институти жорий этилган, холос. Унинг асосий камчилиги жиноятдан жабр кўрган шахс бу институт бўйича бирор-бир ташаббус билан чиқиш ҳуқуқига эга эмас. Шу билан бирга, мазкур келишувни фақат прокурорнинг ташаббусига кўра амалга ошириш мумкин.

Жиноят ишларини ҳал этишнинг яраштирув шакли унча оғир бўлмаган жиноятни содир этиш билан боғлиқ, давлат (айбловчи ёки жабрланувчи сифатида) ва жиноят содир этган шахс ёки унинг вакили – химоячиси ўртасида ўзаро келишув асосида амалга ошириладиган жараён дир. Кейинчалик бу жараён судья томонидан қонунлаштирилади. Расмий судловдан ташқари, зиддиятларни ҳал қилишнинг яраштирув шакли қуйидаги ўзига хос жиҳатларга эга: ярашув институти фақат унча оғир бўлмаган жиноятларни кўришда татбиқ этилади; ярашувга айблов ва химоянинг ўзаро келишуви, ярашиш ҳолатларида йўл қўйилади; ярашув жараёни амалдаги қонунчиликка зид бўлмаслиги ҳамда ишнинг ҳал қилиниши судья томонидан амалга оширилиши шарт.

Томонларнинг ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш учун тўртта шартнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади:

1. Энг асосий талаб – жабрланувчининг жиноят содир этган шахс билан ярашганлиги. Ярашув тўғрисидаги келишув суриштирув, тергов органлари ёки судга жабрланувчи томонидан тақдим этилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ариза асосида расмийлаштирилади ёки жабрланувчининг аризаси асосида қўзғатилган жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги мазмунга эга бўлади.

2. Оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

3. Айбдор шахс айбига иқроп бўлиши ва ярашувга розилик билдириши шарт.

4. Шу билан бирга, ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш учун айбдор томонидан жабрланувчига

етказилган жисмоний, маънавий ва мулкӣ зарар тўла қопланган бўлиши керак.

Шуни ҳам айтиш жоизки, Жиноят кодексининг 66¹-моддасида келтирилган ярашув механизмининг ўзига хос хусусиятларидан бири уни амалга оширишда тергов органлари ва суд томонларнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиққан ҳолда ҳаракатланишида намоён бўлади.

Суд-тергов амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, жабрланувчилар аввало етказилган зарарнинг моддий шаклда қопланишидан манфаатдор бўладилар. Терговчилар ўртасида ўтказилган сўров натижалари ҳам шундан далолат беради. Уларнинг фикрича, жабрланувчиларнинг 46 фоизи ўғирланган мол-мулкнинг қайтарилиши, 13,5 фоиз шунга ўхшаш ёки бир хил қийматга эга мол-мулкнинг қайтарилиши, 1,5 фоизи эса, вазиятдан келиб чиққан ҳолда ўз моддий манфаатларининг бошқа йўллар билан қондирилишини афзал кўрадилар¹.

Маълумки, ярашув деганда, жабрланувчининг айбдорни кечириши эмас, балки ўзининг дастлабки талаб ва даъволаридан расмий равишда воз кечиши тушунилади. Ярашув акти жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, баённома билан расмийлаштирилади². Жабрланувчи билан ярашув айбдор айбига иқроп бўлмасдан аввал рўй бериши мумкин эмас.

«Томонлар ўртасидаги ярашув ўз хоҳишларини эркин билдиришларида намоён бўлиши лозим. Шунинг учун ҳар гал қонунни қўлловчи шахс жабрланувчининг ярашувга мажбуран, яъни жиноят содир этган шахс ёки унинг яқинлари томонидан кўрқитиш, таҳдид қилиш ва ҳоказолар оқибатида рози бўлмаганлигини текшириши керак».

Жабрланувчининг жиноят содир этган шахс билан ярашиш мотивлари турли хил бўлиши мумкин: айбдорнинг жиноят содир этгандан кейинги хулқи, жумладан, етказилган зарарни қоплаганлиги туфайли кечириши, раҳми келиши, дўстлик, ҳамкорлик ва ҳоказо. Айрим ҳолларда айбдорнинг ярашувни таклиф этиш мотиви содир этган қилмиши учун жиноий таъқибдан қутилиш, жазодан кўрқиши, жиноят иштирокчисига айланиб қолишни истамаслиги, судланганлик мақомига эга бўлишдан хавфсираши ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ярашув ташаббуси ҳар икки тарафдан ҳам чиқиши мумкин ҳамда иккала томон ҳам рози бўлган, шунингдек,

¹ Низамов С. М. Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш шакли сифатида // Ҳуқуқ ва бурч. – 2009. – №12. – Б.47

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори.

ихтиёрий тузилган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (дастлабки терговда терговчи ёки прокурор, суд мажлисида судья) томонидан қабул қилинади.

Суд жиноят иши хужжатлари ва жабрланувчининг судга тақдим этган ярашув тўғрисидаги аризаси билан танишиб, туман прокурорининг хулосаларини эшитиб, ярашув ихтиёрийлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, улар ярашувга рози эканликларини инобатга олиб, жиноят ишини томонлар ярашуви муносабати билан ҳаракатдан тугатиш ҳақида ажрим чиқаради.

Иш бўйича битта айбдор ва бир неча жабрланувчи бўлган ҳолатлар ҳам учраб туради. Бундай ҳолатда жабрланувчиларнинг бирортасидан тегишли ариза бўлмаса, ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин эмас, бундай вазиятда иш юритиш умумий асосларда олиб борилади.

Айни вақтда, иш бўйича битта жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ва бир неча гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчилар бўлган тақдирда жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) уларнинг айримлари билан ярашиши мумкин. Бундай ҳолатда жиноят ишининг жабрланувчи билан (фуқаровий даъвогар) ярашувга келишган гумонланувчи, айбланувчи, судланувчиларга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилиб, Жиноят-процессуал кодексининг 584-моддаси тартибида судга юборилади, қолганларга доир қисми бўйича эса, иш юритиш умумий асосларда олиб борилади¹.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келиб тушган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади. Ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилганда, масала дарҳол ҳал этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида белгиланганидек, «ярашув – жабрланувчининг афв этишинигина эмас, балки унинг дастлабки талаб ва даъволаридан расмий равишда воз кечишини англатади. У жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги илтимосидан воз кечиш (агар ярашув жиноий иш кўзғатилишидан аввал юз берган бўлса) ёки унинг аризасига кўра кўзғатилган жиноят ишини тугатишни сўраб берган аризадан иборат бўлади»².

¹ *Рустамбаев М.Х.* Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар: Умумий қисм. – Т., 2006. – Б.854.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори. – Т., 2002. – Б.11.

Жиноят кодекси ярашганлик туфайли жавобгарликдан озод қилишни мажбурият сифатида эмас, балки ихтиёрий равишда амалга ошириладиган ҳуқуқ сифатида белгилайди. Бошқача айтганда, ярашув томонларнинг эркин иродасига кўра тузилган битимдир. У айбдорни афв этиб, қилмиши учун жинойий жавобгарликка тортилишини истамасликда намоён бўлади. Ўз навбатида, айбдор шахсдан ўз айбини тан олиб, етказилган зарарни қоплаш талаб этилади.

Ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхонага киргунга қадар берилиши мумкинлиги қонунда назарда тутилган. Суриштирувчи, терговчи ёки судья ярашиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш вақтида жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилига, агар суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиради.

Қонунда ярашув тўғрисидаги аризининг шакли, мазмуни ва уни бериш тартибига оид муайян талаблар мавжуд. Ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда етказилган зарар қопланганлиги ва ярашув туфайли жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт. Ярашув тўғрисидаги иш юритиш масаласини кўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган ягона субъект жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили ҳисобланади ва у қонунда белгиланган тартибда тан олиниши керак. Айни вақтда, жабрланувчи фуқаровий даъвогар ҳисобланмаган ҳолларда ярашув тўғрисидаги иш юритишни бошлаш учун ҳам жабрланувчи, ҳам фуқаровий даъвогар томонидан тегишли ариза берилган бўлиши шарт. Иш бўйича бир нечта жабрланувчи бўлган ҳолатлар учун ҳам қонунда айнан шундай талаблар белгиланган. Чунончи, уларнинг ҳатто биттасидан тегишли ариза бўлмаган тақдирда ҳам ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин эмас. Бундай ҳолларда жиноят иши бўйича иш юритиш умумий асосларда олиб борилади¹.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида қайд этилганидек, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига қонун билан юклатилган мажбурият – ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқа-

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991–2006). Т.2. – Т., 2006. – Б. 127.

диган ҳуқуқий оқибатларнинг жабрланувчига тушунтирилиши шартлиги. Қонуннинг ушбу талабига риоя этмаслик ярашув тўғрисидаги қарорнинг ноқонуний деб топилишига олиб келади. Шу билан бирга, судлар назарда тутишлари керакки, жабрланувчи фақат биринчи инстанция суди маслаҳатхонасига киргунга қадар айбланувчи билан ярашишдан воз кечишга ҳақли. Ярашув тўғрисидаги қонун нормалари қўлланилишининг тезкорлиги ва кафолатланишини таъминлаш, айбланувчининг ҳуқуқларини муҳофаза этиш мақсадида, ярашув тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқариш ва суриштирув ёки тергов органи томонидан судга юбориш учун қонунда ўн кунлик муддат белгиланган. Ярашув муносабати билан жиноят ишини тугатиш масаласи бундай иш судга келиб тушган вақтдан бошлаб, ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилган ҳолларда эса, ариза бериш вақтидан бошлаб, ўн кун ичида ҳал этилиши керак. Судлар суриштирув ёки тергов органлари томонидан ишни судга юбориш муддатлари бузилишига нисбатан муросасиз бўлишлари ва бунинг олдини олиш мақсадида хусусий ажримлар чиқаришлари лозим¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991–2006). Т.2. – Т., 2006. – Б. 127–129.

ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

Ярашув институтининг жорий этилиши жиноят ва жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштиришда муҳим босқич ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқий институт жиноий жавобгарликдан озод қилиш турларидан бири сифатида жиноят содир этган шахснинг айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб қатор жиноят ишларини тугатиш учун асос бўлади.

Ҳуқуқшунос олима З. Ф. Иноғомжонова таъкидлаганидек, «ярашув институтининг яна бир аҳамияти шундаки, жиноят иши соддалаштирилган тартибда қисқа муддатларда дастлабки терговдан ўтказилади, сўнг судда мазмунан кўрилиб, шу босқичда қонуний ниҳоясини топади, натижада ортиқча сансалорлик барҳам топади. Энг асосийси, инсон тақдирига судланганлик тамғаси босилмайди»¹. Худди шундай фикр Б. Х. Пўлатов томонидан ҳам қайд этилган. Дарҳақиқат, жиноят ишини юритиш тартибини соддалаштириш, ортиқча сансалорликларга барҳам бериш мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари марказидаги асосий масала ҳисобланади. Ярашув институтининг қўлланилиши эса амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг мақсадларига ҳамоҳанг эканлигини англатади.

Шунингдек, мазкур масала юзасидан Ф. Тахиров ҳам фикр билдириб, «жабрланувчи билан ярашув тўғрисидаги алоҳида тоифадаги ишларни Жиноят кодексига белгиланиши ва ушбу тоифадаги ишларни юритиш тартиби жорий этилиши ҳамда ярашган айбланувчи (судланувчи)нинг умуман судланмаган шахс мавқеига эга бўлиши, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексига катта ҳуқуқий ютуққа айланиши билан бир қаторда адашиб ёки айрим сабабларга кўра жиноят содир этган шахснинг тузалиш йўлига ўтишига, бу хатони бошқа такрорламасликка имкон яратди»², дейди.

Ярашувнинг афзал томонлари хусусида Қ. П. Пайзуллаев ҳам фикр билдириб, қуйидагиларни кўрсатиб ўтади: *биринчидан*, у жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги низони жиноий жазо чораларини

¹ Иноғомжонова З.Ф. Жиноят процессуал қонунини либераллаштириш – давр талаби // Суд-ҳуқуқ ислохоти: назария ва амалиёт: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2001. – Б.62.

² Тахиров Ф. Демократик жамиятимизда ярашув институтининг роли//Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт: Давра суҳбати матер-лари. – Т.,2005. –Б.29–30.

қўлламасдан ҳал қилиш, зарарнинг тез ва тўлиқ қопланишини таъминлаш, қайта жиноят содир этишнинг олдини олиш ҳамда айбдорни жамиятдан ажратмасдан туриб тузатишдан иборат; *иккинчидан*, у бевосита зарарни қоплаш орқали низонинг тезда ҳал этилишига таъсир қилади, моддий ёки маънавий қопланишини ортиқча қоғозбозликсиз амалга оширилишини таъминлайди ва кечириш имкониятини беради; *учинчидан*, яраштирув институти бевосита жамият ва одил судлов учун фойдали, жамият аъзоларини ҳуқуқий тарбиялашда ёрдам беради, фуқароларга жиноятлардан ҳимояланганлик ва хавфсизлиги таъминланганлик ҳиссини мустаҳкамлайди; *тўртинчидан*, рецидив жиноятчиликнинг камайишига сабаб бўлади, одил судлов идораларини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят ишларини кўриб чиқишдан озод қилади, маблағ ва вақтни тежайди ҳамда жиноий жазони ижро этиш муассасаларида ижтимоий-психологик муҳитни яхшилашга хизмат қилади¹. Албатта, Қ. П. Пайзуллаев мазкур тўртта белги орқали ярашув институтининг афзалликларини ёритишга ҳаракат қилган. Аммо, бу институтнинг бошқа афзал жихатларига ҳам тўхталиш лозим. Хусусан, Д. Камалходжаев бу тўғрида шундай фикр билдиради: ярашув институти қуйидаги ижтимоий ва ҳуқуқий қулайликларга эга: ярашувни ҳам дастлабки тергов, ҳам суд муҳокамаси даврида қўллаш мумкин; зиддиятли вазиятларда тарафларнинг бир-бирига нисбатан қарама-қаршилик (душманлик) ҳолатини энг қисқа йўл орқали юмшатиш; суднинг энг асосий функцияси – ижтимоий осойишталик (тинчлантириш)ни таъминлаш; айбланувчининг аризасида жиноят содир этганлигига тўлиқ иқроор бўлиши; айбланувчи (судланувчи)га нисбатан таъсир чораларини тез ва муқаррар равишда қўлланишига кўмак бериши; суриштирув идоралари ва дастлабки тергов органларини янги далилларни қидиришдан холос қилиши ва мураккаброқ бўлган жиноят ишларини кўриш учун қулай шароитлар яратилиши ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг эътибори оғир жиноятларни очишга қаратилиши². Шунингдек, ярашув институтига Ўзбекистон юридик энциклопедиясида ҳам амалдаги қонун ҳужжатларида ҳам таърифлар келтирилган³.

¹ Қаранг: *Пайзуллаев Қ. П. Ярашув битими жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг асоси сифатида // Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт: Давра суҳбати материаллари. – Т., 2005. – Б. 35.*

² Қаранг: *Камалходжаев Д. Понятие и сущность примирительной форм разбирательства уголовных дел // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2001. – № 4. – С.57.*

³ Қаранг: *Ўзбекистон юридик энциклопедияси / Нашр учун масъул Р.А.Мухитдинов ва бошқ. – Т., 2010. – Б. 571–572.*

Демак, юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, ярашув институти жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга, судланганлик ҳолатини камайтиришга, жиноий жавобгарликдан озод қилиш принципларининг кенгроқ қўлланишига имкон яратади.

О. Ғ. Зокирова ва Ш. Ё. Абдуқодировлар ярашув институтининг бошқа жиҳатига ҳам эътибор қаратадилар. Уларнинг фикрича, «ярашувчилик – бу фақатгина жабрланувчининг кечириши эмас, балки жиноят содир этган шахсга нисбатан жабрланувчининг дастлабки билдирилган талаб ва даъволардан воз кечиш ҳам демакдир, бу ҳолат жабрланувчининг аризаси билан кўзғатилган жиноят ишини тўхтатиш демакдир. Ярашувчилик факти процессуал тартибда расмийлаштирилиб, у айбдор шахс, жабрланувчи ва ваколатли шахс томонидан имзоланган ва тасдиқланган ҳолда расмийлаштирилади». С. Рахманова бу институт ҳақда шундай ёзади: «Ярашув – жиноят оқибатларини бартараф этишга қаратилган фаолият». Унда айбланувчи ва жабрланувчининг ҳамкорлигида бўлиб ўтган воқеа, унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитлар ва жабрланувчи учун оқибатлари юзасидан ўзаро келишувга эришилади, етказилган зарарни қоплаш шартлари ишлаб чиқилади ва ижро этилади, шунингдек, жиноий вазиятнинг юзага келишига туртки бўлган иштирокчиларнинг хулқ-атвори-ни ўзгартириш бўйича режалар ишлаб чиқилади»¹. Шунингдек, И. Нарзиев «ярашув – содир этилган жиноят натижаларини бартараф этишга қаратилган процессуал фаолият йўналиши. Унинг натижасида айбланувчи ва жабрланувчи ўртасида: содир этилган жиноят тўғрисида ўзаро тушунмовчилик ҳал этилади; моддий зарарни қоплаш бўйича келишувга эришилади ва у ижро этилади; жиноий ҳолатни вужудга келтирган иштирокчиларнинг ахлоқ-одобини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар кўришга эришилади»², деб таъкидлайди.

Айни пайтда, Ғ. Абдумажидов таъкидлаганидек, «ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш янги процессуал институт сифатида самарали эканини оқлади ва либераллаштириш йўналишида муҳим рол ўйнамоқда. Уни янада кенгроқ қўлланилишига қаратилган таклифларга кулоқ

¹ Рахманова С.Р. Программа примирения в уголовном процессе Российской Федерации // Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт: Давра суҳбати материаллари. – Т., 2005. – С. 55.

² Нарзиев Ё. Жиноят процессида ярашув: мазмун ва моҳият // Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт: Давра суҳбати материаллари. – Т., 2005. – Б. 103.

солиб, ярашув муносабати билан тугатилиши мумкин бўлган жиноят ишларининг тоифасини янада кенгайтириш ва баъзи ҳолларда жиноят оқибатида етказилган зарар тўланмаган бўлса-да, жабрланувчининг розилиги билан жиноят ишини тугатишга йўл қўйиш мақсадга мувофиқ»¹.

Юридик адабиётларда ярашув институти тўғрисида бевосита жиноят ишлари юритувида бу жараёнга нотариусни қўшиб, ярашув ҳақидаги аризани жабрланувчи ва гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи ўртасида ярашув шартномасини киритиш билан боғлиқ таклифлар мавжуд². Бу ҳолатда жиноят ишини юритишга масъул бўлган шахсларнинг мақоми қандай бўлади, деган савол туғилади.

А. А. Шомансуровнинг тадқиқотларига кўра, «Европа давлатларидан Австрия, Бельгия, Франция, Германия, Финляндия каби давлатларда бундай нормаларни қўллаш амалиёти анъанавий тус олган ва кўпчилик ҳолларда ярашиш усули ўзини оқлаганлиги эътироф этилади»³.

З. Ф. Иноғомжонованинг фикрича, ярашув институтининг ўзига хос жиҳатлари қуйидагилардан иборат:

1. Ярашув муносабати билан кўриб чиқиладиган жиноят ишларига Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар киради.

2. Ярашув тўғрисидаги жиноят ишлари жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки тергов ва суд муҳокамасини ўз ичига олади.

3. Суриштирув ва дастлабки терговда қуйидагилар исботланиши шарт:

гумон қилинувчи, айбланувчининг илгари судланган ёки судланмаганлиги; жиноят ҳақиқатан ҳам гумон қилинувчи, айбланувчи томонидан содир этилганлиги; етказилган барча турдаги зарарнинг ихтиёрий равишда қопланганлиги; жабрланувчи жинойий қилмиш содир этган шахсни кечириб, ярашув тўғрисида ариза берганлиги.

4. Суд муҳокамасига иш материаллари, терговчи томонидан чиқарилган ва прокурор розилик билдирган ярашув тўғрисидаги қарор, жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризаси топширилади.

5. Суд муҳокамаси мажлисига тайёргарлик, суд музокараси ва ярашув тўғрисидаги ажрим чиқариш учун маслаҳатхонага кириш қисмларидан иборат.

¹ Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилиги: кеча, бугун ва истикболлари. – Т., 2010. – Б.14.

² Никифорова Е.Н. Роль адвоката в производстве по делам о примирении // Адвокат. – 2002. – №3. – С.39–40.

³ Шамансуров А. А. Примирение вместо лишения свобода // Народное слово. – 2001. – 12 сент.

6. Суд мажлисида тарафларнинг бир томонини прокурор ва жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг вакиллари, иккинчи томонини гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва уларнинг ҳимоячиси ташкил этади.

7. Агар дастлабки терговда ярашув тўғрисидаги битимга келишилмаган бўлса, суд маслаҳатхонага киргунга қадар жабрланувчи ярашув тўғрисидаги аризани топшириши керак. Бундай ҳолда суд мажлиси беш қисмдан иборат бўлади.

8. Ярашув тўғрисидаги иш юзасидан чиқарилган ажрим бўйича хусусий шикоят ёки хусусий протест келтирилиши мумкин¹.

Б. А. Миренский ярашув институтини таҳлил қилар экан, ярашув тўғрисидаги ишларни юритишнинг шартлари қуйидагилардан иборатлигини қайд этган: 1) шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни илк бор содир этганлиги; 2) шахс ўз айбини тан олганлиги ва қилмишдан пушаймон эканлиги; 3) шахс етказилган зарарни бартараф этишга фаол ҳаракат қилаётганлиги, яъни етказилган зарарни бартараф этаётганлиги; 4) жабрланувчининг терговчига гумон қилинувчи (айбланувчи) билан, судда эса судланувчи билан ярашганлиги тўғрисидаги ариза билан ихтиёрий равишда мурожаат этиши; гумон қилинувчи, айбланувчи (судланувчи)нинг, уларнинг қонуний вакиллари ярашув билан ярашишга розилигининг мавжудлиги².

А. Х. Раҳмонқулов ярашув институтини юритиш борасида муайян фикрлар билдириб, жиноят қандай квалификация қилинмасин, агар жиноят бўйича жабрланувчи ярашувга рози бўлса, мазкур ишни ярашув асосида тугатиш керак, деган таклифни илгари сурган³.

Ярашув институтининг нисбатан мукамал тушунчасини В. В. Кадырова ўзининг жиноят процесси бўйича тайёрлаган чизмалар тўпламида қайд этган. Унинг фикрига кўра, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш жабрланувчи ва биринчи марта жиноий қилмиш содир этган шахс (гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи) ўртасида жабрланувчининг жиноятга қадар бўлган мақоми тўла тикланганлиги ва етказилган зиённинг бартараф этилганлиги ҳақида келишув тузиш йўли билан жиноят ишини тугатиш турларидан бири.

¹ Қаранг: Жиноят процесси: Дарслик / З. Ф. Иноғомжонованинг умумий таҳрири остида. – Т., 2003. – Б.355.

² Ўзбекистон Республикасининг жиноят процесси: Дарслик / Б. А. Миренский, А. Х. Раҳмонқулов ва бошқ. – Т., 2004. – Б. 595-604

³ Қаранг: *Раҳмонқулов А.Х.* О некоторьх вопросах развития прав человека в Республике Узбекистан // Инсон ҳуқуқларини таъминлаш адолатли жамиятнинг бош мезони. – Т., 2004. – Б.72–77.

Бизнинг фикримизча, ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш Жиноят кодексининг 66¹-моддасида мавжуд бўлган ва содир этилган жиноят бўйича ўз айбига иқрорлик, унинг оқибатлари ва келтирилган зарар ихтиёрий равишда бартараф этилган ҳаракатлар натижасида юзага келади. Бунинг оқибатида жиноятдан аввалги ҳуқуқлари ҳамда мавқеи тикланган ва кўрган зарари бартараф этилган жабрланувчи ўз ихтиёри билан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан ярашув тўғрисидаги келишувга рози бўлиб, бу ҳақда жиноят ишини юритишга масъул бўлган суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки судга ариза билан мурожаат этади ва унинг ҳаракатлари текширилиши ва тасдиқланиши натижасида жиноятни содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилиб, уни судланмаганлик мақомига эга қилиш асосида иш суднинг ажримига биноан тугатилади. Яъни, ярашув институти шахснинг жамиятда тутган ўрнини сақлаб қолиш, оиласидаги муҳитга салбий таъсир кўрсатмаслик ва жавобгарликка тортиш натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг олдини олишга замин яратяпти¹.

Юқорида қайд этилган фикрларни инобатга олиб айтиш мумкин-ки, ярашув институтининг жорий этилганлиги нафақат инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ғоясига, балки халқимизнинг менталитетига, дунёқарашига ҳам ҳар томонлама мос келади². Чунки миллий анъаналаримиз руҳида тарбияланган кўпгина фуқароларимизга содир этган жинояти учун сўроқ ёки тергов ишлари бошланишининг ўзиёқ тегишли хулоса чиқариб олиш ва қонунни бошқа бузмаслик учун кўп ҳолларда кифоя бўлади. Бундай шахслар томонидан Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар содир этилган ҳолларда, агар улар қилган қилмишларига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жабрланувчи билан ярашиб, етказилган моддий ва маънавий зарарларни қопласалар (ёки жабрланувчи зарардан воз кечса), уларни жавобгарликка тортишга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 2002 йил 25 октябрь қарорида³ ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин бўлган жиноятлар турлари Жиноят кодексининг 66¹-моддасида тугал келтирилган

¹ *Кадырова В. В.* Жиноят процесси фанидан чизмалар альбоми. – Т., 2002. – Б.138.

² *Мамарахимов Қ.* Ярашув эзгулик калити // Куч адолатда. – 2010. – 30 дек. – № 51–52 (306)

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991–2006). Т.2. – Т., 2006. – Б.126–129.

бўлиб, унинг доирасини кенгайтириш мумкин эмаслиги ҳамда ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш тартиби Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида белгиланганлиги қайд этилган.

М. Ражабова таъкидлаганидек, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексида ярашув тўғрисидаги ишлар алоҳида тоифадаги жиноят ишлари қаторига киритилган. Бундай тоифадаги ишларни тергов ва судда ҳал қилиш муддати қисқа бўлиб, суриштирув ёки тергов идораси жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилидан ярашув тўғрисидаги аризани олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда ишни судга юбориш тўғрисида қарор қабул қилиб, уч кун ичида прокурорнинг розилиги билан судга жўнатади¹.

Одил судлов ва жиноят ҳуқуқида одилликнинг энг асосий принципларидан бири – суд томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига муносиб жазо белгилаш принципи қонунчиликда ўз ўрнига эга эмас. Мазкур принцип нафақат содир этилган қилмишнинг хавфлилик даражаси, балки жабрланувчининг жиноятдан чеккан жабрини бартараф этилган ёки этилмаганлигига қараб жазо белгилаш хусусиятига эга. Мазкур принципга қонун мақоми бериш наинки айбланувчи ва судланувчи, балки фуқаровий даъвогар ва жабрланувчининг дастлабки тергов ва суд муҳокамасидаги ҳуқуқий ҳимоясини анча кенгайтирган бўлар эди.

Мазкур институтнинг ижобий жиҳатлари ҳақида профессор У. Таджиханов шундай ёзади: «Томонлар ярашуви янги ҳуқуқий ҳодиса бўлишига қарамай, чуқур тарихий илдизга эга, ўзаро бағрикенглик (сабр-тоқатлилик) ва фуқароларнинг бир-бирларини кечири олиш хусусияти миллий маданиятимизга доимо хос бўлган, ўйлаймизки, бу институт катта истиқболга эга»².

Х. Т. Одилқориев ва И. Т. Тультеевнинг фикрлари ҳам юқоридаги фикрга ҳамоҳанг. «Ярашув доимо бизнинг миллий маданиятимизга ва менталитетимизга хос бўлган»³.

Б. Жамолов бу тўғрида қуйидаги фикрларни билдирган: «Халқимизнинг менталитетига мос бўлган ярашув институтининг қонунчилигимизга киритилиши нафақат ҳуқуқшунослар, балки жамоатчили-

¹ *Ражабова М.* Жиноий жазоларни либераллаштириш: илмий ва амалий таҳлил. – Т., 2005. – Б.41.

² *Таджиханов У.* Шахс манфаатлари – жиноятчиликка қарши кураш сиёсатини янада эркинлаштириш асоси // Халқ сўзи. – 2002. – 8 янв.

³ *Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т.* Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар // Ҳуқуқ–Право–Law. – 2002. – №1. – С.9.

гимиз томонидан ҳам мамнуният билан қабул қилинди. Мазкур институт ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан судланган деган «тамға»ни қўллаш доирасини жиддий равишда қисқартириш имконини берди. Судлар томонидан жиноят содир этган шахсларга нисбатан ярашув институтини татбиқ этиш ҳоллари йилдан йилга кўпайиб бормоқда».

Н. Кирееванинг фикрига кўра, «ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш учун қуйидаги асослар мавжуд бўлиши лозим: 1) айбдорнинг айбловни тан олиши; 2) етказилган зарарни ихтиёрий қоплаши; 3) жабрланувчи билан ярашганлиги; 4) янги жиноят содир этмайди, дейиш учун етарли асосларнинг мавжудлиги».

Бизнинг фикримизча, ярашганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш учун тўртта шартнинг мавжуд бўлиши талаб қилинади:

1. Энг асосий талаб – ЖКнинг 66¹-моддаси жабрланувчини жиноят содир этган шахс билан ярашганлигини талаб қилади. Ярашув тўғрисидаги келишув суриштирув, тергов органлари ёки судга жабрланувчи томонидан тақдим этилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ариза асосида расмийлаштирилади ёки жабрланувчининг аризаси асосида қўзғатилган жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги мазмунга эга бўлади.

2. Шахснинг жиноий жавобгарликдан озод этилиши муҳим бир шартга эга бўлиши керак: оғир ёки ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

3. Айбдор шахс айбига иқроп бўлиши ва ярашувга розилик билдириши шарт.

Шуни ҳам айтиш жоизки, ЖКнинг 66¹-моддаси бўйича ярашувни амалга ошириш тергов органлари ва суднинг мажбурияти эмас, балки бу уларнинг ҳуқуқи сифатида тан олинади.

Шу билан бирга, жабрланувчининг аризасига кўра қўзғатилган жиноят ишлари бўйича (ЖКнинг 118-моддасининг биринчи қисми ва 119-моддасининг биринчи қисми) жабрланувчининг жиноят содир этган шахс билан ярашиш факти жиноят ишини тугатиш учун асос бўла олмайди, чунки бу жиноятлар таркиби бевосита ЖКнинг 66¹-моддасида қайд этилмаган.

4. Шунингдек ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш учун айбдор шахс томонидан жабрланувчига етка-

зилган жисмоний, маънавий ва мулкӣ зарар тўла қопланган бўлиши керак. Жабрланувчининг шахсан ўзи келтирилган зарарни қоплаш, унинг миқдори, шакли ва услуби тўғрисида тегишли шарт қўйиш ҳуқуқи жиноят-процессуал қонунида қайд этилмаган.

Бундан ташқари, келтирилган зарарни қоплаш шакли ҳам қонунда аниқ белгиланмаган, ваҳоланки у ҳар хил бўлиши мумкин. Масалан: оғзаки кечирим сўраш, мулкни бевосита айбланувчи томонидан жабрланувчига тақдим этилиши ёки келтирилган зарарни пул шаклида қоплаш.

Демак, тарафлар ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг мажбурий шартларидан бири етказилган зарарнинг бартараф қилинишидир. Ярашув институтини амалга ошириш жараёнида зарар икки хил усул билан: *биринчидан*, жиноят содир этган шахснинг жабрланувчи билан ярашувга қаратилган фаол ҳаракатлари; *иккинчидан*, зарарнинг моддий шаклда (кўпинча пул билан) қопланиши орқали бартараф этилиши мумкин¹.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иштирок этувчи шахслар доираси бошқа тоифадаги жиноят ишлари иштирокчиларидан бир мунча фарқ қилади. Жумладан, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд мажлисида гувоҳлар, экспертлар, холислар, мутахассислар ҳамда жамоат бирлашмалари ва жамоатчилик вакилларининг иштирок этиши кўзда тутилмаган.

Маълумки, ярашув деганда жабрланувчининг айбдорни кечирishi эмас, балки унинг дастлабки талаб ва даъволаридан расмий равишда воз кечиши тушунилади. У жиноятни содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш илтимосидан воз кечиши (агар ярашув жиноий иш қўзғатилишдан олдин юз берган бўлса) ёки унинг аризасига кўра қўзғатилган жиноят ишини тугатишни сўраб берган аризасидан иборат бўлади. Ярашув акти жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, баённома билан расмийлаштирилади². Жабрланувчи билан ярашув айбдор айбига иқроп бўлмасдан аввал рўй бериши мумкин эмас.

Жабрланувчининг жиноят содир этган шахс билан ярашиш мотивлари турли хил бўлиши мумкин: айбдорнинг жиноят содир этишдан кейинги хулқи, жумладан, жабрланувчининг етказилган

¹ Низамов С. М. Ярашув институти жиноий жавобгарликдан озод қилиш шакли сифатида // Ҳуқуқ ва бурч. – 2009. – №12. – Б. 47

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарори.

зарар қопланганлиги туфайли кечириши, раҳми келиши, дўстлик, ҳамкорлик ва ҳоказо. Айрим ҳолларда айбдорнинг ярашувни таклиф этиш мотиви содир этган қилмиши учун жиноий таъқибдан қутилиш, жазодан қўрқиш, жиноят иштирокчисига айланиб қолишни истамаслик, судланганлик мақомига эга бўлишдан хавфсираш ва ҳоказо бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, ярашув ташаббуси ҳар икки тарафдан ҳам чиқиши мумкин. Ярашув иккала томон ҳам рози бўлган, шунингдек, ихтиёрий тузилган тақдирдагина ҳақиқий ҳисобланади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар (дастлабки терговда терговчи ёки прокурор, суд мажлисида судья) томонидан қабул қилинади.

Иш бўйича бир айбдор ва бир неча жабрланувчи бўлган ҳолатлар ҳам учраб туради. Агар жабрланувчиларнинг биттасидан тегишли ариза бўлмаган тақдирда ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин эмас, бундай ҳолда иш юритиш умумий асосларда олиб борилади.

Айни вақтда, иш бўйича бир жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ва бир нечта гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи бўлса, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) улардан айримлари билан ярашиши мумкин. Бундай ҳолларда жиноят ишининг жабрланувчи билан (фуқаровий даъвогар) ярашувга келишган гумонланувчи, айбланувчи, судланувчиларга оид қисми алоҳида иш юритувга ажратилиб, Жиноят-процессуал кодексининг 584-моддаси тартибида судга юборилади, қолганларига доир қисми бўйича эса иш юритиш умумий асосларда олиб борилади¹.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирилмай ўтказилади. Ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилса, бу масала суд мажлисида дарҳол ҳал этилиши лозим.

Жиноят кодексининг 66¹-моддаси ярашганлик туфайли жавобгарликдан озод қилишни мажбурият сифатида эмас, балки ихтиёрий равишда амалга ошириладиган ҳуқуқ сифатида белгилайди. Бошқача қилиб айтганда, ярашув томонларнинг эркин иродасига кўра тузиладиган битимдир. У айбдорни афв этиб, қилмиши учун жиноий жавобгарликка тортилишини истамасликда намоён бўлади. Ўз навбатида, айбдор шахсдан ўз айбини тан олиб, етказилган зарарни қоплаш талаб этилади.

¹ Қаранг: *Рустамбаев М. Х.* Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар: Умумий қисм. – Т., 2006. – Б.854.

Ярашув тўғрисидаги ариза суриштирув ва дастлабки терговнинг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан бошлаб, судланувчи эса жиноят ишини кўриб чиқаётган биринчи инстанция суди маслаҳатхонага киргунга қадар берилиши мумкинлиги қонунда назарда тутилган. Суриштирувчи, терговчи ёки судья ярашиш тўғрисидаги аризани қабул қилиш вақтида жабрланувчи ёки унинг қонуний вакилига, агар суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилади¹.

Ярашув тўғрисидаги аризанинг шакли, мазмуни ва уни бериш тартибига доир қонунда муайян талаблар белгиланган. Ярашув тўғрисидаги ариза ҳар доим ёзма шаклда тақдим этилиб, унда етказилган зарар қопланганлиги ва ярашув туфайли жиноят ишини тугатиш ҳақидаги илтимос албатта кўрсатилган бўлиши шарт. Ярашув тўғрисида иш юритиш масаласини қўзғатиш ҳуқуқига эга бўлган ягона субъект жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёки унинг қонуний вакили бўлиб, у қонунда белгиланган тартибда шундай деб тан олиниши керак. Жабрланувчи айтиб бериш вақтининг ўзида фуқаровий даъвогар ҳисобланмаган ҳолларда ярашув тўғрисида иш юритишни бошлаш учун ҳам жабрланувчи, ҳам фуқаровий даъвогар томонидан тегишли ариза берилган бўлиши шарт. Иш бўйича бир нечта жабрланувчи бўлган ҳолатлар учун ҳам қонунда айнан шундай талаблар белгиланган. Чунинчиси, уларнинг ҳатто биттасидан тегишли ариза бўлмаса ҳам ярашув тўғрисида иш юритиш мумкин эмас. Бундай ҳолатда жиноят иши бўйича иш юритиш умумий асосларда олиб борилади².

Қонунда ярашув тўғрисидаги ариза жиноят процессининг исталган босқичида, яъни шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилинган пайтдан то жиноят ишини кўриб чиқаётган суд маслаҳатхонага киргунча берилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Қонуннинг мазмунига кўра, бундай ариза апелляция, кассация ва назорат инстанцияси суди маслаҳатхонага киргунга қадар ҳам берилиши мумкинлигини назарда тутди. Бундай ҳолларда иш бўйича ҳукм мавжуд бўлишига қарамасдан, жиноят иши шахснинг айбдорлиги масаласи ҳал қилинмай туриб тугатилган ҳисобланади ва айбдор учун судланганлик ҳолатини келтириб чиқармайди.

¹ Қаранг: Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқи муаммолари. –Т., 2006. – Б.217.

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991–2006). Т.2. – Т., 2006. – Б. 127

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорида қайд этилганидек, «ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига қонун билан юклатилган мажбурият ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг жабрланувчига тушунтирилиши шартлигидир. Қонуннинг ушбу талабига риоя этмаслик ярашув тўғрисидаги қарорнинг ноқонуний деб топилишига олиб келади. Шу билан бирга, судлар назарда тутишлари керакки, жабрланувчи фақат биринчи инстанция суди маслаҳатхонага киргунга қадар айбланувчи билан ярашишдан воз кечишга ҳақли. Ярашув тўғрисидаги қонун нормалари қўлланилишининг тезкорлиги ва кафолатланишини таъминлаш, айбланувчининг ҳуқуқларини муҳофаза этиш мақсадида, ярашув тўғрисидаги иш бўйича қарор чиқариш ва суриштирув ёки тергов органи томонидан судга юбориш учун қонунда ўн кунлик муддат белгиланган. Ярашув муносабати билан жиноят ишини тугатиш масаласи бундай иш судга келиб тушган вақтдан бошлаб, ярашув тўғрисидаги ариза суд мажлисида берилган ҳолларда эса, ариза берилган вақтидан бошлаб ўн кун ичида ҳал этилиши керак. Судлар суриштирув ёки тергов органлари томонидан ишни судга юбориш муддатлари бузилишига нисбатан муросасиз бўлишлари ва бунинг олдини олиш мақсадида хусусий ажримлар чиқаришлари лозим¹.

Бундай хулосага келишимизга туртки бўлган омил – бугунги кунда ярашув институтининг самарали қўлланишига сабаб бўлаётган ҳолат, яъни кишиларда ушбу институтга нисбатан шаклланган ишонч, десак муболаға бўлмайди. Зеро, бугун Жиноят кодексининг 66¹-моддасида қайд этилган жиноятлардан бирини содир этган шахс, жабрланувчининг кечириши унинг жавобгарликдан озод бўлишини таъминлашини билгани ҳолда, содир этган жиноятининг фош этилишида шахсий ташаббус кўрсатиши талаб этилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами (1991–2006). Т.2. – Т., 2006. – Б. 127–129.

ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ

Жиноят ишларини ярашув асосида кўриб чиқиш демократик ҳуқуқий давлат шаклланиши даврида жиноят ҳуқуқини либераллаштириш, айти вақтда, жиноят процессида ҳуқуқни тиклаш функциясини амалга оширишнинг самарали шакллари билан биридир.

Ярашув жиноятдан жабрланган шахс билан жиноий қилмишни биринчи марта содир этган айбдор шахс (гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи)нинг жабрланувчининг жиноятгача бўлган мақомини тўлиқ тиклаш ва жиноят туфайли етказилган зарарни бартараф этиш тўғрисидаги келишуви орқали жиноят ишини тугатиш тури ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноят таркибларидан бирининг мавжудлиги ярашув учун ҳуқуқий асос ҳисобланади.

Ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш шартлари куйидагилардан иборат: 1) шахс ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни илк бор содир этганлиги; 2) шахс ўз айбини тан олганлиги ва қилмишидан пушаймон эканлиги; 3) шахс етказилган зарарни бартараф этишга фаол ҳаракат қилаётганлиги, яъни етказилган зарарни бартараф этаётганлиги; 4) жабрланувчининг терговчига гумон қилинувчи (айбланувчи) билан, судда эса судланувчи билан ярашганлиги тўғрисидаги ариза билан ихтиёрий равишда муружаат этиши; гумон қилинувчи, айбланувчи (судланувчи)нинг, уларнинг қонуний вакилларининг жабрланувчи билан ярашишга розилигининг мавжудлиги.

ЖПКнинг 582-моддасига мувофиқ, ярашилганлиги муносабати билан фақат Жиноят кодексининг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар (яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар рўйхатида бўлган жиноятлар) тўғрисидаги ишлар кўриб чиқилиши мумкин.

Ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин. Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган бўлиши шарт.

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирдагина ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур ишни юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт

Ярашув муносабати билан жиноят ишини тугатишнинг асосий шартларидан бири – моддий ва маънавий зарарнинг қопланиши. Зарарни қоплаш турли шаклларда, жумладан нақд пул кўринишида, моддий шаклда ва маънавий зарарни тўлаш тарзда амалга оширилиши мумкин. Бу ҳаракатларнинг айбланувчи ёки судланувчи томонидан бажарилиши айблов ва ҳимоянинг яқинлашувига ва битимнинг имзоланишига ижобий таъсир қилади.

Юқоридаги шартларнинг бажарилиши шахсни жинойий жавобгарликка тортмасликка асос бўлиши мумкин. Жиноят ишини ярашув билан тугатиш учун ишни судга юбориш тўғрисидаги қарор суриштирувчи, терговчи томонидан прокурор розилиги билан ҳамда прокурорнинг ўзи томонидан дастлабки терговнинг исталган босқичида чиқарилиши мумкин.

Жиноят ишини ярашув билан тугатиш учун, ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаришдан олдин, қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

- ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабаблари;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлиги ва етказилган зарарни бартараф этиш чораларини кўрганлиги;
- жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирор-бир тазйиқ бўлмаганлиги;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ярашувга розиликлари.

Ярашув муносабати билан жиноят ишини судга юбориш тўғрисидаги қарорда Жиноят кодексининг 66-моддасида таъкидланган шартларнинг бажарилганлиги ва жабрланувчи ёки жабрланувчиларнинг ихтиёрий аризаси ярашув битими ҳақидаги қарорга асос сифатида кўрсатилиши шарт. Ярашув битими бир неча жабрланувчилар билан

амалга оширилишида барча жабрланувчиларнинг аризалари бўлгандагина расмийлаштирилади. Агар жабрланувчилардан бири ярашувга розилик билдирмаса, ярашув битими расмийлаштирилиши мумкин эмас.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчи, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарорнинг тавсиф қисмида қуйидагилар кўрсатилади: жиноят иши қўзғатилишининг асослари, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, улар айбланаётган қилмишлар ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, шунингдек ярашув тўғрисидаги аризининг мазмуни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчининг аризага муносабати.

Хужжатнинг қарор қисмида: 1) ишни судга юбориш тўғрисидаги; 2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги, шунингдек фуқаровий даъвони таъминлаш чоралари тўғрисидаги; 3) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарорлар кўрсатилади.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, барчаси билан ҳам ярашувга эришилган бўлмаса, ярашувга эришилмаган гумон қилинувчи, айбланувчиларга тааллуқли материаллар ажратилади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидалар асосида амалга оширилади, бу ҳақда қарорда кўрсатилади.

Иш қарор чиқарилганидан кейин уч сутка ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилади.

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш изчиллик ва қўйилган вазифаларнинг босқичма-босқич ҳал этилаётганлиги билан тавсифланади. Амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бирламчи мақсади инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда жамиятда барқарорликни таъминлашдан иборатдир¹. Шу маънода, ярашув институтининг бу борадаги аҳамияти ўзига хос бўлиб, у кўплаб ривожланган демократик давлатлар қонунчилиги ва амалиётда муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Бу нормаларнинг мамлакатимиз амалиётида анъанавий тус олиб, ўзини оқлаётганлиги эътироф этилмоқда². Е. Н. Никифорова таъкидлаганидек, «жиноят процессида диспозитив асосларни кенгайтириш махсус тартиб – жиноят ишлари бўйича ярашув шаклининг киритилиши билан боғлиқ. Ўйлаймизки, жабр кўрган шахс ва айбланувчи ўртасида юзага келган зиддиятнинг ярашув асосида бартараф этилиши сўзсиз равишда Ўзбекистон Республикасида жиноят иши судлови юритилишининг демократик ривожланишига кўмак беради»³.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ярашганлик муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги норманинг (66¹-модда) киритилиши жиноят содир этиб, ўз қилмишидан пушаймон бўлган шахсларнинг жавобгарлиги масалаларини ижобий ҳал қилиш имкониятини яратди. Жумладан, жиноятдан жабр кўрган шахснинг ҳам, жиноят содир этган шахснинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишга йўл очилди. Жиноят қонунига бу институтнинг киритилиши билан жиноят қонунчилиги сиёсатидаги либераллаштириш ва адолатни қарор топтириш имкониятларини такомиллаштиришнинг яна бир механизми жорий этилди.

¹ Тухташева У. А. Задачи Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране по реформированию судебно-правовой системы // Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг либерализация шароитида суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти: Илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2011. – С. 3.

² Соинов И., Умарбекова Ю. Қонунчилигимизда ярашувчилик институти // Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт: Давра суҳбати. – Т., 2005. – Б. 93–94.

³ Никифорова Е. Н. Диспозитивное начала в уголовном процессе Республика Узбекистан // Ҳуқуқ – Право – Law. – 2002. – №1. – С.64–66.

Суд муҳокамасида ярашув институтининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масаласидан келиб чиқадиган энг асосий мақсад – жабрланувчиларга жиноятдан кўрган зарарлари қопланиши ва маънавий жиҳатдан кечирган азоблари бартараф этилиши билан бирга, жиноят содир этган шахс содир этган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан салбий муносабатда бўлган ҳолда, ўз айбига иқрор бўлиб, ихтиёрий равишда жиноят натижасида юзага келган оқибатларни бартараф этиши, жабрланувчидан кечирим сўраш ҳамда келгусида бундай ҳаракатларни содир этишдан воз кечиши, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга содир этган жинояти фош этилишида имкони борича ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиши шарт.

Зарарни бартараф қилиш етказилган мулкни қайта тиклаш, ўғирланган мол-мулкни қайтариб бериш, товон пули тўлаш, дори-дармон, санатория ва сиҳатгоҳларга йўлланмалар олиб бериш, жабрланувчидан кечирим сўраш ва қонунда тақиқланмаган бошқа шаклларда ифодаланиши мумкин.

Айбдор шахс учун ҳам, жабрланувчи учун ҳам жиноят ишининг ярашганлик муносабати билан тугатилиши катта имтиёзлар беради. Жабрланувчининг жиноят содир этган шахс билан суд ҳукмидан аввал ярашувни амалга ошириши уни бир нечта номақбул ҳолатларга тушиб қолишининг олдини олади.

Жиноят содир этилиши натижасида келтирилган зарар айбдор томонидан бир зумда бартараф этилади. Жиноят ишининг мантиқий ҳулосаси ҳукм чиқарилишигача борган ҳолларда жабрланувчининг моддий зарарни қоплаш билан боғлиқ даъво талаблари бевосита қондирилиши керак бўлади. Аммо, амалиёт шуни кўрсатадики, жабрланувчи учун молиявий воситаларни олиш жараёнида муаммолар юзага келади. Маҳкумнинг кўпинча муайян ишга эга бўлмаслиги, мулкдор эмаслиги унга нисбатан моддий жарима қўлланилганда муаммоли вазиятни юзага келтиради. Бундан ташқари, маҳкумнинг ўзида зарарни қоплаш нияти бўлмайди ва энг ёмон томони суд муҳокамаси ретроспективада қолиб кетади. Бунда суд ҳукмининг ижро этилиши бир неча йилларга чўзилиб кетиши, баъзан эса маълум муддат ўтганидан сўнг умуман бажарилмасдан қолиш хавфини вужудга келтиради.

Ярашув пайтида суд зарарни қоплаш суммасини белгилайди. Агар бу ваколат жабрланувчига берилса, ярашув институти сезиларли даражада ўз мавқеини йўқотар эди. Чунки суд фақат маънавий зарарни бартараф этиш билан боғлиқ суммани белгилайди, жабрланувчилар ўзларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда бундай миқ-

дорни ҳаддан ташқари катта сумма билан ўлчайдилар. Шунинг учун суд белгилаган маънавий зарар, жабрланувчининг даъво аризасида кўрсатилган зарардан сезиларли даражада кам бўлади.

Агар дастлабки тергов даврида жабрланувчидан унга ёқмайдиган саволларни фақат бир шахс (терговчи) сўрайдиган бўлса, суд муҳокамасида эса бундай саволларни унга суд, прокурор, судланувчи ва унинг ҳимоячиси бериши мумкин. Бундан ташқари, доимо суд залида бошқа қизиқувчи фуқаролар суд процессини кузатишлари мумкин. Шу боис жабрланувчи учун суд процесси ниҳоятда оғир ўтади ва айбдор шахсга нисбатан танланган жазо ҳам бу процесс оқибатида олинган салбий таассуротлардан озод этиши қийин.

Жиноят иши жабрланувчининг жуда кўп вақтини олади. На терговчи, на суд жабрланувчининг вақтига эътибор қаратмайди ва бу билан қизиқмайдилар ҳам. Жабрланувчи чақирув қоғозлари асосида маълум соатга келиши шарт ва тергов ҳаракати ёки суд муҳокамасининг давомийлигига қарамасдан процесснинг охиригача суд залида бўлиши керак.

Жиноят содир этган шахс учун ҳам жабрланувчи билан ярашиш ижобий натижа беради, чунки у жиноий жавобгарликдан озод этилади ва судланганлик билан боғлиқ салбий мақомга эга бўлмайди.

Жиноят-процессуал кодекснинг 583-моддасида ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши кўзда тутилган.

Қонун апелляция, кассация ва назорат тартибида ярашувни қўллашни тақиқламаган, аммо, амалиётнинг кўрсатишича, судлар фақат иккита ишни жиноят ишлари бўйича Фарғона ва Сирдарё вилоят судларининг апелляция инстанцияларида жабрланувчининг ярашиш тўғрисидаги аризасига асосан тугатган.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд зиммасига қонун билан юклатилган мажбуриятлардан бири – ярашув суд томонидан тасдиқланадиган бўлса, ундан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларнинг жабрланувчига тушунтирилиши шартлиги.

Жиноят-процессуал кодекснинг 583-моддаси 5-қисмида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд аризани қабул қилиш пайтида жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёки унинг қонуний вакилига мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома

бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шартлиги кўрсатилган. Жиноят ишларини ўрганиш натижалари судлар томонидан қонуннинг бу талаби бажарилаётганлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш институтига доир масалаларни ўрганиш натижалари ярашув институти билан боғлиқ айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатади ва уларни бартараф этиш йўллари қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

– жиноят-процессуал қонунни такомиллаштириш (ярашув тўғрисидаги ариза ўрнига ярашув тўғрисидаги қарорнинг ўқиб эшиттирилиши);

– ярашувни декриминаллаштиришни ишни тугатиш асоси сифатида алоҳида моддада қайд этиш;

– ярашув асосида тугатиладиган қилмишлар доирасини Жиноят кодексига кенгайтириш;

– ярашувни аввал судланган шахслар учун ҳам қўллаш имкониятини яратиш масаласини жиноят-процессуал қонунчиликни ривожлантириш вазифалари қаторига қўшиш.

Ярашилганлиги муносабати билан ишни тугатишнинг афзаллиги шундаки, *биринчидан*, жабрланувчига етказилган зарарнинг тезда ва тўлиқ қопланиши таъминланади; *иккинчидан*, жиноят содир этган шахс жинойий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган ҳисобланади; *учинчидан*, айбдорларни кечириш орқали улар жазоланмасдан тарбияланади¹.

Шу ўринда, тергов ва суд амалиётидан келиб чиқиб, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод қилинган шахслар томонидан қайта жиноят содир этиш ҳолатлари жуда кам миқдорни ташкил қилишини, бу шахслар жамиятда ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, ҳаётда ўз ўринларини топиб кетишаётганини ҳисобга олиб, ишларни ярашилганлиги муносабати билан тугатиш учун айрим чеклашларни қонунчиликдан чиқариш, Жиноят кодексининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш давр талабидир. Қуйида киритилиши таклиф этилаётган айрим қўшимча ва ўзгартиришларга тўхталамиз.

Ярашув институтини қўллаш мумкин бўлган жиноят таркиблари доирасини кенгайтириш, ушбу институтни амалиётга янада кенгрок татбиқ этиб, Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ижтимоий хавфи катта бўлмаган барча жиноят таркибларини, шунингдек, эҳтиётсизлик оқи-

¹ Мухторов Н. Ярашув институти такомиллашмоқда // Қалқон. – 2009. – 7 июль. – Б.4.

батида содир этилган, қонунда 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган жиноятларини киритиш мақсадга мувофиқ.

Қ. Р. Абдурасулова бу институт хусусида қуйидаги фикрларни билдирган: «Жиноят процессида диспозитив асосларнинг кенгайтирилиши махсус тартиб – жиноят ишлари бўйича ярашув шаклининг киритилиши билан боғлиқ. Ўйлаймизки, хусусий айбловнинг киритилиши ва жиноятдан жабр кўрган шахс ва айбланувчи ўртасида юзага келган жинойи зиддиятни ярашув асосида бартараф этилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикасида жиноят ишлари судлови демократик тарзда ривожланишига кўмак беради»¹.

Шунингдек, Қ. Р. Абдурасулова жабрланувчи жиноятдан етказилган зарарни ҳам кечиритиши мумкинлиги масаласига ҳам урғу беради. Аммо бу фикр хусусида шуни айтиш жоизки, ярашувнинг моҳияти жиноятдан жабр кўрган шахснинг жиноят натижасида чекланган ҳуқуқларининг қайта тикланиши келтирилган зарарни бартараф этишсиз мумкин эмаслигидан иборат. Шунинг учун жиноят натижасида етказилган зарар доимо ярашув муносабатларида жабрланувчи фойдасига ҳал этилиши керак.

Жиноят кодексининг 66¹-моддасида шахснинг жинойи жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Бунда келтирилган асослар бўйича жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги масала унга ваколати бўлган субъектлар ихтиёрига ҳавола этилади. Ушбу ҳолатда, жабрланувчи билан айбланувчи ярашганлигидан қатъи назар, иш бўйича якуний қарор қабул қилиш ваколати субъектларнинг хоҳишига боғлиқ бўлади.

Б. Х. Пўлатов ҳам бу соҳада амалга оширилган ишларни ижобий баҳолаб, қонунчиликни такомиллаштириш ва амалиётда мавжуд бўлган хато-камчиликларни бартараф қилиш юзасидан бир қатор таклифларни илгари суради: жиноят қонунида ярашув рухсат этилган қилмишлар доирасини кенгайтириш, шу жумладан муқаддам судланган шахслар учун ҳам; ярашув тўғрисидаги суд қарорига шикоят келтириш тартибини қонунда белгилаш; ярашувга доир ишларни кўрувчи махсус судьялар, яъни ярашув судьяларини жорий қилиш; Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми муҳокамасига амалиётдаги хато-камчиликларни кескин камайитиришга ҳамда қонуний,

¹ Абдурасулова Қ. Р. Ярашганлиги муносабати билан жинойи жавобгарликдан озод қилиш институти: кечиримлилик ва бағрикенгликнинг ёрқин ифодаси // Хусусий айблов ва ярашув институтларини такомиллаштириш чоралари: Республика илмий-амалий конференциялари материаллари. – Т., 2015. – Б. 74–78.

асосланган ва адолатли ажрим чиқарилиши, жиноят процесси ишти-рокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари лозим даражада таъминланишига ёрдам берувчи аниқ таклифлар тайёрлаш¹.

Бундан ташқари, З. Ф. Иноғомжонова ва О. М. Мадалиевлар ҳам ушбу институтни такомиллаштириш истиқболлари тўғрисида фикр юритиб, «суд қарорининг адолатли, фақат қонунга асосан чиқарили-шини таъминлаш учун айбланувчига, унинг ҳимоячиси ва қонуний вакилига ҳам «ярашув тўғрисидаги ишларни юритиш»ни сўраб муро-жаат қилиш ҳуқуқини бериш керак, уларнинг илтимоси албатта жабр-ланувчи, унинг ҳимоячиси ёки қонуний вакиллари ва илтимосномани ҳал қилаётган шахс томонидан биргаликда муҳокама этилиши ва қандай келишувга келинганлиги тўғрисида «баённома» тузилишини мажбурий тарзда белгилаб, қонунга ўзгартириш киритилса, мақсадга мунофиқ бўлар эди»², деб ёзадилар.

Қ. Р. Абдурасулова ва Г. З. Тўлаганова ҳам ярашув институтини такомиллаштириш бўйича «ярашув институтини амалиётга янада кенгроқ татбиқ этиб, Жиноят кодексининг 66¹-моддасига ижтимоий хавфи катта бўлмаган барча жиноят таркибларини, шунингдек, эҳтиёт-сизлик орқасида содир этилган, қонунда 5 йилгача озодликдан маҳ-рум этиш жазоси назарда тутилган жиноятларнинг киритилиши мақ-садга мувофиқдир. Бу эса, ўз навбатида, айбланувчига ўз хатосини тузатиш, судга эса жабрланувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш имконини беради»³, деб эътироф этадилар.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекси 84-моддаси 1-қис-мининг 6-бандига мувофиқ, айбдорни жиноий жавобгарликдан озод қиладиган норма жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мажмуининг мавжуд бўлишини талаб этади. Масалан, жиноятни биринчи маротаба содир этганлик, етказилган зарарни қоплаш ёки зиённи бартараф этиш каби бир қатор шартларни илгари суриб, жиноят содир этган шахсга нисбатан ишни тўхтатиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қили-

¹ Қаранг: *Пўлатов Б. Х. Ярашувчилик институтининг истиқболлари // Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт: Давра суҳбати материаллари. – Т., 2005. – Б. 7–8.*

² *Иноғомжонова З. Ф., Мадалиев О. М. Ярашув тўғрисидаги ишларни юри-тишнинг ўзига хос хусусиятлари // Ярашувчилик институтини такомиллаш-тириш: назария ва амалиёт: Давра суҳбати материаллари. – Т., 2005. – Б. 14.*

³ *Абдурасулова Қ. Р., Тўлаганова Г. З. Ярашувчилик институтида адвокат-нинг иштироки // Ярашувчилик институтини такомиллаштириш: назария ва амалиёт: Давра суҳбати материаллари. – Т., 2005. – Б. 29.*

ниши учун ҳуқуқий асос ҳисобланувчи кўшимча талаблар тақдим этилиши лозимлигидан далолат беради.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича, шунингдек, суд муҳокама-сини олиб боришнинг алоҳида тартиби ва ярашув туфайли ишни тугатиш масаласини ҳал этиш чоғида суд аниқлаши шарт бўлган ҳолатлар доираси ҳам белгиланган (ЖПК 585-моддаси 5-қисми). Агар суд мажлиси давомида ярашув ёки айбга иқдор бўлиш ихтиёрий эмаслиги, зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек содир этилган қилмишда янада оғирроқ жиноят белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд ишни умумий асосларда дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисида ажрим чиқаради.

Ярашув ишларини апелляция, кассация тартибида кўриб чиқиш юқори турувчи суд эмас, балки жиноят ишини кўриб чиққан суд томонидан юритилиши мақсадга мувофиқ. Чунки юқори турувчи инстанцияда ишнинг апелляция ёки кассация тартибида кўрилиши кўпроқ назорат аҳамиятига эга бўлиб, биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни тузатишга, камчиликларни бартараф этишга қаратилган бўлади. Бироқ, ярашувга татбиқан бундай хусусиятлар муайян мазмун касб этмаслигини, боз устига биринчи инстанция суди иш ҳолати билан янада чуқурроқ таниш бўлишини инобатга олиб, шунингдек, юқори инстанция судларининг вақтини тежаш ва давлат бюджетини иқтисод қилиш, қолаверса жиноят процесси тарафларига кўшимча қулайлик яратиш мақсадида ярашувга оид апелляция, кассация ишларини кўришни юқори турувчи суд эмас, балки жиноят ишини кўриб чиққан суд томонидан юритилишини кўзда тутувчи тартибни жорий этиш керак. Бу таклифларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорида акс эттирилиши ярашув институтининг ривожланиши учун асос бўлиб, ҳам жабрланувчи, ҳам айбланувчи (судланувчи)ларнинг қонуний манфаатларига мос келади, шунингдек, жиноятларни декриминаллаштиришнинг ҳуқуқий асоси сифатида хизмат қилади.

Вояга етмаганлар томонидан содир этилган ва унча оғир бўлмаган, жиноятдан келтирилган зарарни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлган жиноятлар бўйича ярашув институтини қўллашни қонун чиқарувчи орган томонидан қабул этилиши ҳам айни муддао бўлар эди. Бу бевосита уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари муҳофазаси учун муҳим ижобий омил бўлиб хизмат қилади.

А. Ирсалиевнинг фикрига кўра, «вояга етмаган судланувчи ярашишга мойил бўлган ҳолда унинг ота-онаси ва бошқа қонуний вакил-

лари норози бўлсалар ҳам масала ижобий ҳал қилиниши лозим. Вояга етмаганнинг иқрорлиги, розилиги бўлмаса-да, унинг қонуний вакиллари билан жабрланувчи ўртасида ярашув аҳди тузилган ҳолда иш судга юборилиши ва суд масаланинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб, ярашувни маъқуллашга ҳақли бўлиши мақсадга мувофиқ»¹.

Шунингдек, иш Жиноят кодексининг 66¹-моддасига тушмайдиган жиноят бўйича кўзгатилиб, бироқ суд муҳокамасида 66¹-модда асосида ярашув қўлланилиши мумкин бўлган жиноят иши сифатида қайта малакаланган ҳолларда, суд ҳукмида ярашувни қўллаш тўғрисидаги масалани ҳал қилиб ўтиши мақсадга мувофиқ. Бундай ҳолларда, айрим ҳуқуқ тизимларида мавжуд бўлганидек, томонлар мазкур ҳолат бўйича ярашувга рози бўлсалар, ишни кўрган суд томонларнинг ярашганлиги муносабати билан ишни тугатиш тўғрисида ажрим чиқариб ҳал этиши ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича ярашувни қўллашнинг қонунчилигимизга жорий этиш вақти келди.

Ярашув институтини такомиллаштириш мақсадида Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобига тегишли ўзгартишларни киритиш, хусусан, ярашув тўғрисидаги тушунча (582-модда), ярашув муносабати билан кўриладиган жиноят ишлари (582-модда), ярашув тўғрисидаги ариза (583-модда), шунингдек, ярашувни амалга ошириш натижасида жиноят ишининг тугатилиши ва шахсни судланмаганлик мақомига эга бўлиш асослари (33-модда) каби моддаларни белгилаб қўйиш ва ҳоказо. Ўйлаймизки, мазкур таклифларнинг жиноят-процессуал қонунчилигидан ўрин олиши жиноятдан жабрланган шахсларнинг талаблари қондирилиши ҳамда қонунийликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Юқорида келтирилган омиллар, жиноят ва жиноят-процессуал қонуннинг ярашув институти билан боғлиқ нормаларида белгиланган шартлар бажарилганида, аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар ўз исботини топганида, жиноят ишини юритишга масъул органлар учун ушбу асоснинг қўлланиши мажбурийлигини акс эттириши лозим.

Шу билан бирга, А. А. Хамраевнинг фикрича, «судьялар касбий ҳуқуқий онгига ижобий ва салбий таъсир қилувчи омиллар мавжуд. Салбий омиллар: жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши; жиноятга мойил бўлган шахслар билан бошқа фуқаролар алоқасининг мавжудлиги; мансабдор шахсларнинг ўз мансабини суиистеъмол қилиши; ҳуқуқий нигилизмнинг авж олиши;

¹ *Ирсалиев А.* Вояга етмаганларнинг ишларини судда юритиш / Масъул муҳаррир проф. Ғ. Абдумаджидов. – Т., 2003. – Б. 78.

оилада ота-оналарнинг ҳаракатда қонунларни онгли равишда атайлаб бузиш; қонунларни менсимаслик, қонуннинг моҳиятини яхши тушунмаслик ва ҳоказолар»¹. Бундай салбий омиллар ярашув институтига ҳам салбий таъсир кўрсатади, албатта.

Юқоридаги ҳолатлар яраштирувчи-воситачи (медиатор) фаолиятини йўлга қўйишни талаб қилади. Аммо Ўзбекистонда бундай яраштирувчи (медиатор)ларнинг фаолияти қонунийлаштирилмаган. Агар бу шахсларнинг яраштирув муносабатларида иштироки таъминланса (албатта, қонун йўли билан), улар тергов, суриштирув, прокуратура, суд, айбланувчининг ҳимоячиси, вояга етмаган айбланувчининг қонуний вакиллари (ота-онаси, васий, ҳомийлари) билан ҳамкорлик қилиши лозим бўлади. Яраштирувчи (медиатор)дан жиноят ва жиноят-процессуал нормалардан яхши хабардор бўлиш талаб қилинади, чунки улар фуқаролик ва фуқаролик-процессуал нормалардан фарқли ўлароқ, императив хусусиятга эга.

Демак, ярашилганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш жараёнида яраштирувчи (медиатор)ни жорий этиш мазкур институтнинг аҳамиятини янада юқори поғонага кўтариб, ҳам жиноят содир этган шахс, ҳам жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини муҳофаза этишга ёрдам беради.

Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, бир қатор хорижий давлатлар, жумладан Россия Федерацияси, Украина, Тожикистон, Молдова, Беларусь, Арманистон, Озарбайжон, Грузин, Қозоғистон жиноят қонунчилиги таҳлили уларда ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин бўлган жиноят таркиблари моддама-модда санаб ўтилмасдан, умумий кўринишда берилганлигини кўрсатади. Яъни ушбу давлатларнинг Жиноят кодексларига кўра ижтимоий хавфи катта бўлмаган барча жиноятлар учун ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилиши мумкин².

Ярашувни тактик ва услубий жиҳатдан таъминлаш масаласини ҳал қилиш учун Ғарбда мавжуд бўлган ҳуқуқни тиклаш одил судлов моделлари тўғрисидаги маълумотларни келтириш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқни тиклаш бўйича одил судлов моделлари икки турдан иборат. Унинг биринчи тури жабрланувчи билан ҳуқуқбузар ўртасида

¹ *Хамраев А. А.* Судьяларнинг касбий ҳуқуқий онги (назария ва амалиёт). – Т., 2003. – Б.34.

² Қаранг: *Мухторов Н.* Ярашув институти такомиллашмоқда // Қалқон. – 2009. – 7 июль. – Б.2–3.

ярашувга эга бўлиш. Мазкур ярашув дастури бевосита полиция, прокурор ёки суд томонидан йўналтирилиши мумкин. Ишни ярашув шаклида ҳал қилиш тўғрисидаги қарорга келиб, уни ярашув дастури бўйича амалга оширадилар ва бу ҳаракатлар бевосита нодавлат ташкилоти ёки пробация хизмати томонидан амалга оширилиши мумкин. Бунинг учун махсус тайёргарлик кўрган воситачи, у на жабр кўрган ва на ҳуқуқбузарнинг манфаатларини кўзламаган холис шахс сифатида, аввало жабр кўрган ва жиноятчи билан алоҳида учрашади, содир этилган жиноят тўғрисида уларнинг фикр-мулоҳазаларини эшитади, саволларга жавоб беради ва уларнинг ҳар биридан ярашув жараёнини амалга ошириш тўғрисидаги ниятларини аниқлайди. Агар икки тараф бунга розилик билдирса, воситачи (воситачи) уларнинг учрашувини ташкил этади. Жабр кўрган шахс ҳуқуқбузарнинг жиноят тўғрисидаги фикрини эшитади ва унга ҳар қандай саволлар бериш имконига эга. Шундан сўнг жабрланувчи ўзининг ҳиссиёти ва фикрларини очиқ-ойдин баён қилади. Ҳуқуқбузар бу фикрларни бевосита эшитади. Бундай учрашув содир этилган воқеа тўғрисида гапириб бериш, ўз фикрларини билдириш, барча саволларга тегишли жавоблар олинишига имкон яратади. Шундан сўнг тарафлар жиноятдан кўрилган зарарни бартараф этиш тўғрисида ёзма шартнома (келишув) тузадилар. Зарарни қоплаш воситаси пул, бирор-бир иш ёхуд нарса бўлиши мумкин. Шартнома (келишув) ишни ярашувга юборган органга юборилади, агар бу иш бевосита суддан юборилган бўлса, бу ҳолда мазкур шартнома ҳукмнинг бир қисми сифатида тан олинади. Агар иш полиция ёки прокурордан келган, шунингдек мазкур шартнома муваффақиятли равишда бажарилган бўлса, жиноят иши тугатилади.

Мазкур дастур бўйича жиддий тадқиқотлар Ғарбда ҳар хил мамлакатларда ўтказилган¹. Агар жабр кўрган шахс ва ҳуқуқбузар учрашувга рози бўлсалар, бу ҳолда 90 фоиз ҳолларда ярашув тўғрисидаги шартнома тузилади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, шартномалар 80 дан 90 фоизгача бажарилган. Жабрланувчилар бундай шартномалардан ниҳоятда катта қониқишга эга бўлиб, қўрқиш даражалари

¹ АҚШ, Буюк Британия, Голландия, Япония мамлакатларида жабрланувчи ва ҳуқуқбузарлар ўртасидаги ярашув дастурлари мавжуд, зотан бу жиноятчилар оғир жиноятлар содир этган ҳолларда ҳам ярашув асосида озод этиладилар. Қаранг: *Абдухаликов М.А.* Процесс примирения по уголовному и уголовно-процессуальному законодательству Республики Узбекистан и международная практика // Суд-ҳуқуқ ислоҳоти: назария ва амалиёт: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Т., 2001. – Б. 10.

пасайиб борган, бу эса ҳуқуқбузар томонидан келажакда қайта жиноят содир этиш эҳтимолини камайтирган.

Хитой Халқ Республикасида ярашув институтини кузатадиган бўлсак, ярашув комиссиялари шаҳарларда (участкалар ёки кварталлар бўйича), қишлоқ ҳудудларида ташкил этилган. Улар таркибида 3 нафардан 11 нафаргача аъзо бўлиши мумкин. Шаҳарларда, одатда, ярашув комиссиялари аъзолари халқ қўйи ҳокимият органлари бошчилигида аҳоли вакиллари томонидан, қишлоқ ҳудудларида эса халқ вакиллари кенгашлари томонидан сайланадилар. Ярашув комиссиялари фаолияти устидан тегишли халқ суди назорат олиб боради. Бунда суд ярашув комиссияси томонидан чиқарилган қарорни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Руминия Республикасида ярашув комиссиялари қишлоқ, шаҳар ва туман ижроия қўмиталари қошида амал қилади. Бунда ҳар бир ижроия қўмидада бир ёки ундан ортиқ ярашув комиссиялари тузилиши мумкин. Ярашув комиссиялари тегишли кенгашнинг 2 нафар депутати ва қишлоқ ўқитувчисидан ёки ўрта мактаб ўқитувчисидан иборат бўлади ва халқ кенгашининг ижроия қўмитаси томонидан тайинланади. Депутатлардан бири комиссия раиси этиб сайланади. Комиссия иш юритуви юқоридаги орган ижроия қўмитаси томонидан тайинланган котиб томонидан амалга оширилади. Шунингдек, котиб жабрланувчиларнинг шикоятларини қабул қилади, тарафларни комиссия мажлисига чақиради, комиссия мажлислари баённомаларини юритади. Ярашувга эришилган тақдирда ярашув комиссияси қарор чиқаради. Бу қарорда содир этилган жиноят оқибатида етказилган моддий зарарнинг қопланиши назарда тутилиши мумкин. Ярашув баённомада қайд этилади. Ярашувдан воз кечиш ёки тарафлар мажлисга келмаган ҳолатда бу ҳақда баённома тузилади ва ушбу баённома жабрланувчининг суд инстанциясига мурожаат қилиши учун асос бўлиши мумкин.

Россия Федерациясида ярашув институтини кўриб чиқиш ваколати «мировой судья»ларга берилган, шунингдек улар хусусий айблов бўйича ишларни кўрадилар. Жабрланувчилар судланувчилар билан биргаликда ярашув келишувига рози бўлишдан холи эмас¹.

¹ *Кристи Н.* Конфликт как собственность // Правосудие по делам несовершеннолетних. Перспектива развития. Впуск 1. – М., 1999; *Максудов Р., Флямер М., Грасенкова А.* Институт примирения в уголовном процессе: необходимость и условия развития // Правозащитник. – 1998. – №2; *Максудов Р., Флямер М.* Примирение в уголовном правосудии России. – М., 1999.

Мазкур тартиб Россия Федерацияси ЖПКнинг 25-моддасида қайд этилган¹.

Энди Янги Зеландия моделини кўриб чиқсак. Бу модел Австралия ва Янги Зеландияда юзага келган бўлиб, «оилавий анжуман» деб аталади. Бундай институт замонавий ҳуқуқий тизимнинг юзага келишидан аввал ҳам мавжуд бўлган. 1980 йилларда Янги Зеландияда вояга етмаганлар одил судловининг инқироzi юз бериб, унга ишонч пасайиб борган. Янги Зеландиянинг маҳаллий аҳолисини ташкил этувчи маори қабиласи замонавий одил судлов улар учун бегона эканлигини таъкидлашган. 1989 йили Янги Зеландиянинг ювенал одил судлов тизими ўзгартирилган. Ҳозирги пайтда жуда кам ишлар судга юборилмоқда. Судьяларнинг таъкидлашларича улар ҳар кунги иш вақтларини суд хонасида ўтказсалар-да, бироқ бир ҳафтада фақат ярим кун одил судлов билан шуғулланадилар, чунки ишларни суд эмас оилавий анжуманлар кўради. Анжуманни ижтимоий ходим амалга оширади. Бу анжуманда нафақат жабрланувчи ва ҳуқуқбузар, балки уларнинг оила аъзолари ҳам иштирок этиши мумкин. Мазкур йиғинда, шунингдек, ҳуқуқбузарнинг ҳимоячиси ва полиция хизматчиси ҳам иштирок этади. Янги Зеландияда асосан полиция айблов ролини бажаради. Иштирокчилар ярашув битимида кўрсатилган ҳаракатни амалга оширадилар: вужудга келган жиноят воқеаси ва унинг оқибатлари тўғрисида гапирадилар, ҳиссиётлари, фикрларини билдириб, ўзларининг саволларига жавоб оладилар. Шундан сўнг ҳуқуқбузар ўз оиласи билан хонадан чиқиб, вужудга келган вазият тўғрисида келишиб, ўзларининг таклифлари билан хонага қайтиб келадилар. Улар қайтиб кирганидан сўнг иштирокчилар қабул қилинган қарорни муҳокама қилиш ҳуқуқига эгалар. Қарорда кўпгина масалалар ҳал этилиши лозим. Жумладан, гап наинки зарарни қоплаш, балки ҳуқуқбузарни турмага бориш-бормаслиги ёки бирор-бир реабилитацияда иштирок этиш мажбуриятига эга бўлиш ва бошқа саволларни ҳал этилишига қаратилган бўлиши керак. Бу ҳодисанинг таажжубланарли тарафи шундан иборатки, иштирок этувчи барча қатнашчилар, яъни жабрланувчи, ҳуқуқбузар, уларнинг оилалари, ҳимоячи ва полиция зобити мазкур таклифларга розилик билдириши керак.

Мазкур амалиёт қўлланилаётган Янги Зеландияда вазият қуйидагича, яъни ҳуқуқбузарлик содир этган 80% ёш вояга етмаганларнинг ишлари ярашув муҳокамасигача олиб борилмасдан тугатилади ҳамда

¹ Уголовный процесс: Учебник / Под общ. ред. В.И.Радченко. – М., 2003. – С. 498.

бу ишлар билан бевосита полиция шуғулланади. Янги Зеландиянинг пойтахти Веллингтонда муҳокамаларни олиб боровчи хизматчилар маҳаллаларнинг бевосита муаммоларини ўрганиб борадилар. Улар кичик жамоалардаги муаммолар билан боғлиқ муҳокамаларни ўтказиш ваколатига эгалар. Бундай чора-тадбирлар вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг 50 фоизга камайишига сабаб бўлган. Аввал вояга етмаганлар орасидаги жиноий гуруҳлар муаммо бўлган бўлса, ҳозирги пайтда бу муаммо ҳал бўлган. Полициянинг иши фақат гиёҳвандлик моддаларини қидиришдан иборат, чунки ягона жиноят тури – гиёҳвандлик моддаларини сақлаш жинояти қолган, холос.

Умуман олганда, ҳозирги кунда ярашув институти 40 га яқин хорижий давлатларда амал қилади. Айрим давлатларда бу институт (жараён) яраштирувчилик деб аталади (Россия, Янги Зеландия, Болгария, АҚШнинг айрим штатлари), бошқа давлатларда келишув (Германия, Руминия, Туркия ва ҳ.к.), яна бошқа бир давлатларда тарафларнинг дастлабки терговдаги келишуви деб юритилади. Жумладан, Германияда ярашувчилик ярашув камерасида махсус судья томонидан амалга оширилади. Махсус судья 3 йил муддатга туман суди директори билан келишган ҳолда жамоат кенгаши тақдимномасига биноан маҳаллий жамоа ёки шаҳар туманида сайланади. Бу судьянинг фаолияти юзасидан шикоятлар округ адлия бошқармасида кўриб чиқилади.

Юқорида миллий қонунчилигимиз ва айрим хорижий мамлакатларда ярашув институтини қўллаш билан боғлиқ нормаларни таҳлил қилдик. Бундан асосий мақсад хорижий мамлакатларда ярашув институтининг амал қилиш доираси қай даражада эканлигини, уни қўллаш тартибини ҳамда ярашув тактикаси ва методикасини ўрганиш, уларда мавжуд ижобий жиҳатларни миллий қонунчилигимизга татбиқ этишдан иборат эди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, бизнингча, ярашув тактикаси ва методикасини ривожлантириш қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади:

1. Тайёрлов босқичи:

- судья ярашув тўғрисидаги иш билан танишиб чиқади;
- суд муҳокамасида ярашувни амалга ошириш учун зарур бўлган иштирокчиларни судга таклиф қилади (жабрланувчи, жиноятни содир этган шахс, унинг ҳимоячиси, жабрланувчининг вакили, уларнинг қариндошлари, гувоҳлар, прокурорни ва ҳоказо);
- қонун талаби дастлабки терговда қай даражада бажарилганлигини текширади.

2. Дастлабки учрашувларни ўтказиш:

- жабрланувчи ва жиноят содир этган шахсни суҳбатга чақириш;
- ҳуқуқбузар, жабрланувчи ёки зиддиятда иштирок этган тарафлар учун эҳтимолга эга бўлган реабилитация чора-тадбирларини белгилаш ҳамда зарарни бартараф этилишини таъминлаш. Бундай ҳамкорлик ҳар хил шаклларга эга бўлиши мумкин, масалан:

– жабрланувчи ва жиноят содир этган шахс жиноят воқеасига нисбатан фикр алмашадилар ва бир-бирини яхши билиб олиш ниятида юзма-юз гаплашадилар;

– жиноят содир этган шахс ўз кечиримларини баён этиб, ярашувга рози бўлиши тўғрисида жабрланувчидан сўрайди ҳамда зарарни қоплаш йўллари тўғрисида фикр юритади;

– жиноят содир этган шахс томонидан жиноятдан кўрилган зарарни қоплаш мақсадида бирор-бир ҳаракатни амалга оширишга тайёрлигини билдиради ёки бирор-бир реабилитация дастурида иштирок этишга рози бўлади;

– жабрланувчи ва жиноят содир этган шахс ўртасидаги зиддият ҳал этилади;

– жабрланувчи ва жиноят содир этган шахс ярашув бўйича ўз ихтиёрий қарорларини судьяга маълум қилади ва шу асосда жиноят ишининг тугатилишни таклиф қилинади.

Бундай воситачилик судья томонидан амалга оширилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда тарафларнинг бу учрашувда иштирок этиши ихтиёрий, воситачининг бу жараёнга ёндашуви эса холисона бўлиши талаб этилади.

ХУҚУҚНИ ТИКЛОВЧИ ОДИЛ СУДЛОВ – ЯРАШТИРУВ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШИ

Ҳозирги пайтда жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини тикловчи одил судлов аксарият мамлакатларда жиноят судлови ишларини юритишнинг янги модели – жиноят натижасида юзага келадиган низоларни бартараф этишга мутлақо янгича ёндашув сифатида қаралмоқда. Бир томондан у жазо чоралари қўллашни чеклашга, бошқа томондан эса низоли вазиятлар оқибатларини бартараф этиш, ҳуқуқбузарларни тарбиялаш, инсонлар ўртасидаги муносабатларни мўътадиллаштириш ҳамда бу фаолиятга маҳаллий жамоатчиликни жалб қилишга қаратилган.

Ф. Багаутдинов ва С.Ф. Бычковаларнинг фикрича, бу жиноий жазо билан боғлиқ бўлмаган, бироқ ушбу низо иштирокчилари мурасага эришишига, яъни жабрланувчи ва жиноий жазо олишга лойиқ жиноятчи орасидаги муносабатларни у ёки бу даражада қайта тиклашга қаратилган фаолиятдир¹.

Одил судловнинг қайта тиклашга қаратилган бир неча моделлари ёки шакллари маълум. Улардан энг кўп тарқалгани жабрланувчи ва ҳуқуқбузарнинг ярашуви, аниқроғи, жиноят қурбони ва ҳуқуқбузарнинг ярашув дастури ҳисобланади. Бу жиноят судлови ишларининг хусусий асосларини, бошқача қилиб айтганда, хусусий шахсларнинг хатти-ҳаракатлари эркинликларини кенгайтиришни назарда тутди. Бу ерда сўз, асосан, жабрланувчи ва гумон қилинувчи ёхуд айбланувчи ҳақида бормоқда. Қонун чиқарувчи хусусий шахслар хатти-ҳаракатлари эркинлигининг муайян чегараларини ўрнатади. Хусусий шахс ўз ихтиёрига кўра, ўзининг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланиш мумкин бўлган шарт-шароитлар ва ҳолатларни белгилайди. Хусусий айблов ишларининг ўзига хослиги шундаки, қонунда назарда тутилган оммавий айблов воситаларидан фойдаланган ҳолда манфаатдор шахсларнинг хусусий манфаатлари ҳал этилади.

Сўнгги йилларда қонун чиқарувчи бу йўналишда муайян қадамларни қўйди. Хусусан, хусусий айблов ишлари бўйича иш юритиш ислоҳ қилинмоқда, оммавий айбловнинг амал қилиш соҳаси қисқар-

¹ Қаранг: *Багаутдинов Ф.* Расширение частных начал в уголовном процессе // *Законность.* – 2001. – №4. – С. 32–34; *Бычкова С. Ф.* Процессуальные и организационные аспекты института примирения по уголовным делам / В сб.: *О проблемах правоприменительной практики освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением.* – Астана. – 2006. – С. 26.

тирилмоқда. Айни пайтда, шуни таъкидлаш лозимки, бу жараён асосан хусусий айблов ишлари бўйича иш юритишга дахлдордир. Бироқ, хусусий айблов жиноят процессидаги хусусий асослар намоён бўлишининг бир кўринишидир. Хусусий айбловга тааллуқли ишлар тоифасини кенгайтиришга иш бўйича ҳал қилув қарорини қабул қилишга таъсир кўрсатиш имконини берувчи ҳуқуқларни бериш орқали эришиш мумкин¹. Бошқача қилиб айтганда, ўзининг процессуал ҳуқуқларидан эркин фойдаланиш жиноят процессининг бошланиши, амалга ошириш ва тугатилишини белгиловчи қонун нормалари жиноят ишларини юритишда диспозитивлик принципини мавжудлигини белгилайди.

Эътироф этиш лозимки, хорижий давлатларда хусусий айблов ишлари бўйича судлов ишларининг ўзига хос хусусиятлари ҳар хил талқин қилинади. МДҲ давлатлари томонидан қабул қилинган ЖПК моделига мувофиқ, ушбу ишлар бўйича жиноий жазо жабрланувчининг гумон қилинувчи ёки айбланувчи билан ярашганда жабрланувчининг шикояти бўлмаганда, хусусий айбловчи айбловдан бош тортганда қўлланилиши мумкин эмас. Бунда ЖПК модели, агар прокурор жиноят натижасида етказилган зарарни гумон қилинувчи ёки айбланувчига жазо қўллагандан бартараф этиш, тугатиш мумкин деб ҳисобласа, унча охир бўлмаган ва ўртача оғирликдаги жиноят ишларини тугатиш имкониятини назарда тутди. Шу билан бирга, ЖПК моделининг юқорида келтирилган қоидалари МДҲ мамлакатларининг жиноят-процессуал қонунчилигида ўзаро фарқланади.

Масалан, Қозоғистон Республикасининг 1997 йилги ЖПК хусусий айблов тартибида кўриб чиқиладиган жиноий жазоланадиган қилмишлар доирасини кенгайтирган ва ЖПКнинг 33-моддасига мувофиқ соғлиққа қасддан енгил зарар етказиш, соғлиққа эҳтиётсизлик оқибатида зарар етказиш, жинсий тажовуз, номусга тегиш, зўрлик ишлатиш, жинсий алоқа қилишга мажбур қилиш, бесоқолбозлик ёки жинсий характердаги бошқа хатти-ҳаракатлар, тухмат, ҳақорат қилиш, болаларни ёки меҳнатга лаёқатсиз ота-оналарни таъминлаш учун тўловлардан ғаразли мақсадларда бўйин товлаш, меҳнатга лаёқатсиз эр ёки хотинни таъминлашдан қасддан бўйин товлаш, шахсий ҳаёт дахлсизлигининг бузилиши, врачлик сирларини ошкор қилиш, турар-жой дахлсизлигининг бузилиши, эҳтиётсизлик оқибатида ўзгалар мулкани нобуд қилиш ёки зарар етказиш, транспорт воситаларини бошқарувчи шахсларнинг йўл қоидалари ва транспорт воситаларидан фойдаланиш

¹ Қаранг: *Воронин В.* Производство по делам частного обвинения в государствах содружества // Вестник МГУ, серия Право. – 1999. – №5. – С. 15.

қоидаларини бузиши, транспорт воситаларининг ишлаш хавфсизлигини таъминловчи қоидаларнинг бузиш каби жиноятлар учун қўлланилади. Бундан ташқари, жабрланувчининг шикоятсиз иш қўзғатиш, бироқ мумкин бўлмаган хусусий айблов ишлари ярашганлиги учун тугатиш мумкин бўлган 20га яқин жиноятлар таркиби кенгайтирилган. Хусусий айблов ишларини кўриб чиқиш Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 302-моддасида назарда тутилган суд муҳокамасининг умумий қоидалари асосида амалга оширилади. Бироқ, бунда бир қатор ўзига хос хусусиятлар мавжуд:

– хусусий айбловчи ёки унинг вакилининг суд мажлисига узрли сабабсиз келмаслиги ишнинг тугатилишига олиб келади (Қозоғистон Республикаси ЖПК 393-моддасининг 7-қисми);

– судья суд тергови бошланишидан олдин томонларни яраштириш чораларини кўришга мажбур, хусусий айблов бўйича жиноят иши қайта қўзғатилиши мумкин эмас ва ҳоказо.

Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 394-моддасига мувофиқ, судья ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин: айбловчи ёки оқловчи ҳукми чиқаради, хусусий айбловчининг айбловдан бош тортиш ва томонлар келишган ҳолларда ишни тўхтатиш, иш бўйича суриштирув ёки дастлабки тергов ўтказиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун ишни прокурорга юбориш.

Қозоғистон Республикаси ЖПКдан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПКда қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи деб эътироф этилган барча шахсларга прокурор билан бирга айблов ҳуқуқи берилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 54-моддасига мувофиқ, «жиноят, худди шунингдек, ақли норасо шахснинг ижтимоий хавfli қилмиши шахсга маънавий, жисмоний ёки мулкий зарар етказган деб ҳисоблаш учун далиллар бўлган тақдирда, бундай шахс жабрланувчи деб эътироф этилади». Ушбу кодекснинг 55-моддаси 1-қисмига асосан, «жабрланувчи шахсан ўзи ёки вакили орқали судда айбловни қувватлаш ҳуқуқига эга». Бундан ташқари, 345-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, «барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шарт», яъни фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни юксак даражада кафолатлайдиган дастлабки терговнинг ягона шакли белгиланган. Жабр кўрганнинг шикояти асосида қўзғатиладиган ишлар сифатида қонун чиқарувчи Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 325-моддасига асосан, ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми ва 119-моддаси 1-қисмида назарда тутилган фақат иккита жиноят таркибини киритган.

Беларусь Республикасининг 1999 йилги ЖПКда хусусий айблов тартибида кўриб чиқиладиган қилмишлар доираси анча кенг белгиланган. Жабрланувчининг шикоят асосида қўзғатиладиган хусусий айблов ишлари қаторига ярашилганлиги сабабли тугатилиши мумкин бўлган Беларусь Республикаси ЖКнинг 15 та моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар киритилган. Хусусий-оммавий айблов ишлари қаторига ЖКнинг 15-моддасида назарда тутилган, бироқ томонлар ярашуви ишнинг тугатилишига олиб келмайдиган жиноятлар киритилган. Бунда прокурорга жабрланувчининг аризаси мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқи берилган. Беларусь Республикаси ЖПК 26-моддасининг 2–4-қисмларида кўрсатилмаган жиноятлар тўғрисидаги ишлардан бошқа барча ишлар оммавий айблов ишлари ҳисобланади.

Беларусь Республикаси ЖПКнинг 51-моддасида хусусий айбловчи тушунчаси берилган. Жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили жиноят иши бўйича иш юритишнинг ҳар қандай босқичида айбловдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлса-да, прокурор ЖПКда назарда тутилган ҳолларда жабрланувчининг фикридан қатъи назар хусусий ва хусусий-оммавий айблов ишлари бўйича айбловни қувватлашга ҳақлидир. Айни пайтда, прокурорнинг айбловни рад қилиши жабрланувчини айбловни қувватлаш ҳуқуқидан маҳрум этмайди (Беларусь Республикаси ЖПКнинг 28-моддаси). Суд ҳам жабрланувчининг судланувчи билан ярашганлиги муносабати асосида айбдорни жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят иши бўйича иш юритишни тугатиш ҳуқуқига эга (Беларусь Республикаси ЖПКнинг 32-моддаси). Агар суд хусусий айблов иши бўйича шикоят олганидан кейин мутахассисларнинг изоҳлари, хулосалари ва бошқа маълумотларни олиш зарурати мавжуд деб ҳисобласа, у ушбу шикоятни текшириш учун суриштирув органларига юборишга ҳақлидир (Беларусь Республикаси ЖПКнинг 427-моддаси). Бундан ташқари, айбланувчи ўз айбига иқроп бўлган, айбга иқроп бўлиш тарафларнинг баҳсига сабаб бўлмаган ва судда шубҳа туғдирмаган ҳолатларда жиноят ишларини кўриб чиқишнинг қисқартирилган тартиби назарда тутилган. Тарафларнинг розилигига кўра, суд айбланувчининг ҳақиқатан ҳам ўз айбига иқроп эканлигини аниқлагандан сўнг, фақат тарафлар кўрсатган далилларни текшириш билан чекланишга ёхуд суд терговини тугалланган деб эълон қилишга ва суд музокарасига ўтишга ҳақли. Бунда суд тарафларга далилларни ўрганишни рад қилиш ҳукм устидан шикоят қилиш ёки протест билидиришга йўл қўймасликка олиб келишини тушунтиради (Беларусь Республикаси ЖПКнинг 326-моддаси).

Қирғизистон Республикасининг 1999 йилги ЖПКда ҳам хусусий айблов тартибида жазоланадиган жиноий қилмишлар доираси кенгайтирилган. Масалан, ЖПКнинг 26-моддаси 2-қисмига мувофиқ, хусусий айблов ишлари рўйхатига Қирғизистон Республика ЖКнинг қуйидаги моддаларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар киритилган: «Калтаклаш» (110-модда), «Соғлиққа қасддан енгил зарар етказиш» (112-модданинг 2-қисми), «Тухмат» (127-модда), «Ҳақорат қилиш» (128-модда), «Муаллифлик, ҳаммуаллифлик ҳуқуқлари ва патент эгалиги ҳуқуқларининг бузилиши» (150-модданинг 1-қисми), «Тижорат ёки банк сирларини ошкор қилиш» (194-модда). Ушбу тоифадаги ишлар бўйича ЖПКларнинг фарқланувчи жиҳатлари шундан иборатки, тарафлар ўртасидаги ярашув ҳатто ҳукм қонуний кучга киргунга қадар ҳам йўл қўйилади.

Қирғизистон Республикасида хусусий-оммавий айблов ишлари доирасига Республика ЖКнинг 10 ва 11-моддаларида назарда тутилган унчалик оғир бўлмаган ва кам оғирликдаги жиноятлар, шунингдек 129 ва 130-моддаларининг 1-қисмларида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар киритилган. Бошқа республикалар қонунчилигидан фарқли ўлароқ, Қирғизистон Республикаси ЖПКга асосан, жиноятдан жабр кўрганлар хусусий шахсга жабрланувчи тариқасида жиноят ишини қўзғатишни талаб қилиш, жиноят судлов ишларини амалга оширишда иштирок этиш ҳуқуқи берилган (ЖПКнинг 21-моддаси). Шахснинг жабрланувчи деб эътироф этилиши тўғрисида терговчи ёки судья қарор чиқаради. Бундай қарор фақат зарар етказишга олиб келган жиноят ҳодисаси аниқлангандан кейин, унинг ёши, руҳий ва жисмоний ҳолатидан қатъи назар, қабул қилинади (ЖПКнинг 49-моддаси). Жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили иш юритишнинг исталган пайтида айбловни қувватлашдан бош тортишга ҳақлидир (ЖПКнинг 27-моддаси). Бунда у: айбланувчига қўйилган айбнинг моҳиятини билиш; кўрсатма бериш; далилларни тақдим этиш; илтимоснома киритиш ва рад қилиш; суд музокараларида иштирок этиш, айбловни қувватлаш; судланувчи билан ярашиш ҳуқуқига эга (ЖПКнинг 50-моддаси).

Қирғизистон Республикаси ЖПКга асосан, хусусий айбловчи бўлиб хусусий айблов ишлари бўйича судга ариза берган шахслар, шунингдек хусусий ва хусусий-оммавий айблов ишлари бўйича жабрланувчи иштирок этиши мумкин, улар давлат айбловчиси айбловдан бош тортган ҳолларда ҳам судда айбловни мустақил равишда қувватлашига йўл қўйилади (ЖПКнинг 51-моддаси). Хусусий-оммавий айблов ишлари жабрланувчининг аризасига кўра қўзғатилади.

Улар юзасидан олиб бориладиган тергов ва суд тергови умумий тартибда амалга оширилади (ЖПКнинг 159-моддаси).

Юқорида тилга олинган давлатларнинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари, жиноят-судлов ишларининг очиқлиги, оммавийлиги, ошкоралиги ва тортишувга асосланганлигига қарамай, жиноятдан жабр кўрган (жисмоний ва юридик) шахсларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш ва ҳимоя қилинишини таъминлаш керакли тўғрисида хулосага келиш имкони беради. Бу, аввало, барча тоифадаги ишлар бўйича суд мажлисида уларнинг айбловни қувватлаш борасидаги ҳуқуқларини, шунингдек, айбдор шахсни жиноий жавобгарлик ва жиноий жазодан озод қилиш учун ушбу айбловдан воз кечиш ҳуқуқини кенгайтириш зарурлигини англатади. Чунки жисмоний шахсга айбдорни фош этувчи далилларни тўплаш ва айбловни шакллантириш мажбуриятининг юкланиши Республика Конституциясида кафолатланган ҳуқуқлари бузилишига олиб келади¹.

Юқоридан келтирилган давлатлар қонунларига асосан, жабрланувчи айбдорни жиноий жавобгарликка тортилишини истамаса ёхуд судда айбловни қувватлашдан бош тортса, хусусий айблов ишлари бўйича айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги ва бунга йўл қўйилмаслиги шаклидаги қониданинг инкор этилиши давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси жиноий-ҳуқуқий мажмуи ҳақида сўз кетганда шуни таъкидлаш жоизки, жабрланувчи ва гумон қилинувчи ёки айбланувчи ва судланувчи ўртасидаги ярашув муносабати билан жиноят ишини тугатиш (ЖКнинг 66-моддаси), унга ўхшаш бўлган хусусий айбловни тартибга солувчи институтдан фарқланади. Бу фарқ шунда кўринадики, биринчидан, ЖПКнинг 325-моддасида жабрланувчига жиноят ишини қўзғатиш ёки уни жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласини ҳал этиш ҳуқуқи берилган унча оғир бўлмаган жиноятлар доираси белгиланган. Унда ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига киритилган жиноятлар содир этилганда ЖКнинг 66¹-моддаси қўлланилиши қайд этилган.

Иккинчидан, хусусий айблов ишлари бўйича жабрланувчининг айбдорни жиноий жавобгарликка тортишни сўраб берган аризасининг йўқлиги ҳуқуқни қўлловчи учун айбдорни жиноий жазодан озод қилишда қатъий асос бўлиб хизмат қилади. Жиноий-ҳуқуқий институт учун

¹ Қаранг: Саҳаддинов С. М. Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари: Юрид. фан. номз. ... дис. автореф. – Т. – 2005. – 18 б.

жабрланувчи билан ярашув фактининг ўзи суд томонидан жиноят ишини тугатиш учун зарур бўлган шартлардан бири ҳисобланади.

Учинчидан, шахсни хусусий айблов ишлари бўйича жиноий жавобгарликдан озод қилишда айбдордан етказилган зарарни қоплаш ёки жиноятдан жабр кўрганга етказилган зиённи бартараф этиш талаб этилмайди. Ўз навбатида, ярашув ишлари бўйича ишни тугатишда зарарни қоплаш жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун мажбурий шартлардан бири ҳисобланади.

Бунда маънавий, моддий ва жисмоний зиённи бартараф этиш шакли аниқ белгиланмаган. Бу масала тарафларнинг ярашуви институтини амалга ошириш жараёнида алоҳида долзарблик касб этади. Масалан, маънавий зарар икки усулда бартараф этилиши мумкин: биринчиси – жабрланувчи билан ярашувга йўналтирилган жиноятни содир этган шахснинг ижобий хатти-ҳаракатлари: кечирим сўраш, илтимос қилиш орқали; иккинчиси – маънавий зарарни моддий (аввало, пул билан) шаклда ўрнини тўлдириш. Бу зарар етказган шахс томонидан ўз зиммасига олинган тегишли мажбуриятлар билан боғлиқ тарафлар ўртасидаги фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни келтириб чиқаради.

Жисмоний зарарни, қоида тариқасида, номулкий шаклда умуман қоплаш мумкин эмас. Жисмоний зарарни қоплаш, одатда, жабрланувчининг дори-дармонга, соғлиғини тиклашга кетган сарф-харажатларни қоплаш шаклида амалга оширилади. Бу ҳам охир-оқибат соғлиққа етказилган зарарни қоплаш мажбурияти билан боғлиқ томонлар ўртасида фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар мавжудлиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради. Пировард натижада жисмоний ва маънавий зиённи қоплаш, албатта, мулкий зарар бартараф этилишини жиноий жавобгарликдан озод қилиш шарти сифатида белгиланишига олиб келади.

Юқорида баён этилганлар жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш тарафларнинг ярашуви муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг муҳим шартларидан бири эканлиги ҳақида хулоса қилишга имкон беради. Айнан шунинг учун ҳам унга қилмиш учун жавобгарликнинг бир шакли сифатида қараш лозим. Зарарни бартараф этиш шикаст етказилган мол-мулкни тиклаш, ўғирланган мол-мулкни қайтариб бериш ёки қиймати унга тенг бўлган мол-мулкка алмаштириш, пул товонини тўлаш, дори-дармон, санатория ва сихатгоҳларга йўлланмалар олиб бериш, жабрланувчидан кечирим сўраш ва қонунда тақиқланмаган бошқа шаклларда ифодаланиши мумкин.

Бирок, булар зарарни бартараф этишнинг мумкин бўлган йўли ва усулларининг тўлиқ рўйхати эмас. Т. Е. Сорсенбаевнинг фикрича, зарарни қоплашнинг ўлчами ва хусусияти жабрланувчи манфаатлари қондирилишининг даражасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади¹. Жабрланувчи моддий ёки маънавий зарар қопланиши, шунингдек, бошқа манфаатлари қаноатлантирилишдан манфаатдор бўлиши лозим. Жабрланувчининг бошқа манфаатлари сирасига, аввало, бирор бир хизмат, масалан, ишга жойлаштириш, хизмат мавқеининг оширилиши, бирор-бир қимматбаҳо буюмни сотиб олишга, муаммоли масалаларни ҳал этишда ёрдам бериш ва бошқалар, яъни баъзан ҳал этилиши ноқонуний хусусиятга эга бўлган масалаларни қондириш кабиларни киритиш мумкин. Бундан ташқари, айбдор шахс қоплаши лозим бўлган зарарларга нафақат тўғридан-тўғри, балки жиноят билан боғлиқ бўлган билвосита йўқотишларни, жумладан дастлабки тергов ва судда иштирок этиш билан боғлиқ харажатларни ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Суд-тергов амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, жабрланувчилар етказилган зарарнинг моддий жиҳатдан қопланишидан кўпроқ манфаатдордирлар.

Шуни ҳам эътиборга олиш лозимки, жабрланувчи етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқидан воз кечиши ҳам мумкин. Шундай ҳоллар ҳам учрайдики, ундан қилмиш учун кечирим сўрашнинг ўзи етарли бўлади. Демак, жабрланувчининг жиноят содир этган шахс билан ярашуви етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят ишларини тугатиш шартлари деганда, аввало, тарафларнинг ярашувини, иккинчидан, айбдор (жиноий жавобгарликдан озод қилинадиган шахс) томонидан етказилган зарар оқибатида юзага келадиган мажбуриятларни ижро этиш мақсадида жабрланувчи фойдасига муайян хатти-ҳаракатлар (мол-мулкни ўтказиш, ишларни бажариш, пул тўлаш ва ҳ.к.)ни бажариш тушунилади.

Бирок, агар тарафлар ўртасида мажбурий-ҳуқуқий муносабатлар мавжуд бўлса, унда айнан қўлланилиши лозим бўлган «Мажбурият-

¹ Қаранг: Сорсенбаев Т. Е. Правовое основание и условие освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением потерпевшим / В сб.: О проблемах правоприменительной практики освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением. – Астана, 2006. – С. 67.

лар тўғрисидаги умумий қоидалар»нинг бошқа нормаларини ҳисобга олиш керак. Шунинг ҳам унутмаслик лозимки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ноқонуний мажбуриятларни тугатишнинг нисбатан янги асослари ифодаланган. Агар сўз қарзни кечиш институти тўғрисида борса, у Фуқаролик кодексининг 348-моддасида қуйидагича ифодаланган: «Кредитор қарзларни унинг зиммасидаги мажбуриятлардан озод қилиши билан, агар бу ҳол бошқа шахсларнинг кредитор мол-мулкига нисбатан ҳуқуқларини бузмаса, мажбурият бекор бўлади».

Юқорида кўрсатилган нормалар билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш асослари тариқасида жиноятдан етказилган зарарни мажбурий қоплаш тўғрисидаги ЖКнинг императив талаблари ўртасидаги муносабат қандай?

Дейлик, жабрланувчи ўзини «хафа қилган одам» билан ярашди, унинг қарздан воз кечди ва жиноят ишини тугатишни сўради. Бундай вазият юзага келиши аниқ, чунки аксарият жиноят ишларида жабрланувчи эр-хотинлар, қариндошлар, қўшнилар ва бошқалар ҳисобланади. Масалани ҳал этишнинг икки йўли бор: зарар қопланмаганига қарамасдан (ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган шартлардан бирининг мавжуд бўлмаслигига) жабрланувчининг илтимоси ваколатли органлар томонидан қондирилади ёки рад этилади (бундай ҳолатларда жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди).

Ҳамма гап шундаки, тарафларнинг ярашуви муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш судларнинг мажбурияти эмас, балки ҳуқуқидир¹. Демак, гумон қилинувчи ёхуд айбланувчининг муайян қилмиши ва шахсият ҳисобга олинган ҳолда суд жиноят ишини тугатиш фуқаролар (нафақат жабрланувчилар), жамият ва умуман давлатнинг жиноят қонуни билан кўриқланадиган манфаатларига дахл қилмайди, деган хулосага келингандагина ярашув бўлиши мумкин. Акс ҳолда, ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкин эмас. Шу билан бирга, оммавий-ҳуқуқий нуқтаи назардан, жабрланувчи ўзининг қарздан кечиш ҳуқуқини қўллаганда ва зарар фактик жиҳатдан қопланмаган бўлса, шахсни жиноий жавобгарликка тортишга ҳеч қандай асос йўқ.

Фуқаролик қонунчилигининг юқорида кўрсатилган нормасини қўллаш орқали жиноят ишини тугатишда жабрланувчи жиноий қил-

¹ Горичева И. Л. Институт примирения в уголовном процессе: необходимость и условия развития / Материалы научно-практической конференции. – М., 2001. – С. 62.

миш оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини тугатишга олиб келадиган қарздан воз кечишининг юридик оқибатларини ҳисобга олинганлиги ва бундай ҳолатда ўз-ўзига ҳисоб беришга қодир эканлиги аниқланиши шарт. Жабрланувчининг қарздан ихтиёрий равишда, яъни жиноят содир этган шахс томонидан жисмоний ёки руҳий тазйиқсиз воз кечаётганига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Шу билан бирга, қарздан воз кечишни ҳуқуқни амалга оширишдан бош тортишдан фарқлаш лозим. Жабрланувчининг иродаси қарздан воз кечишга, яъни қарздорнинг мажбуриятини тугатишга йўналтирилмаган ҳам бўлиши мумкин. У муайян пайтда «зарарни қоплаш» бўйича талаб қўйишдан воз кечиши, бироқ даъво муддати давомида даъво қилиш имкониятини сақлаган ҳолда қарздор тарафнинг мажбуриятни бажаришини талаб қилишга ҳақли. Бундай ҳолларда жабрланувчининг хоҳиш-иродасини ҳисобга олган ҳолда жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтини қўллашга ҳам ҳеч қандай тўсиқ мавжуд эмас.

ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми бўйича жиноят ишларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишда суд ўз ажримда етказилган зарар қопланмаганлигининг юридик асосини кўрсатиши лозим. Бунда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг муайян нормасига ҳавола қилиш муҳим аҳамият касб этади. Агар ҳавола қилинмаса, жабрланувчи келгусида фуқаролик-судлов ишлари тартибида даъво қилишга ҳақли бўлади, иккинчи ҳолатда – у бундай ҳуқуқдан маҳрум бўлади, чунки қарздан воз кечиш мажбуриятни тугатишга асос ҳисобланади. Жабрланувчининг ҳақиқий хоҳиш-иродаси билан боғлиқ бўлган мажбурият жабрланувчининг ихтиёрий идроки билан ҳаракат қилаётганлигидан далолат берувчи фактлар билан бирга тасдиқланиши лозим.

Шундай қилиб, агар тарафларнинг ярашуви ЖКнинг 66¹-моддаси асосида жиноят ишини тугатишнинг мажбурий шарти ҳисобланса, унда «зарарнинг қопланиши» қўшимча шарт хусусиятига эга, чунки жабрланувчи қарздан воз кечиш (тўлиқ ёки қисман) ёки зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқини амалга оширишдан воз кечишга ҳақлидир. Бунда ҳам, бошқа ҳолатларда ҳам тарафларнинг ярашуви муносабати билан жиноий таъқибни тугатиш учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Жабрланувчи билан ярашув натижасида жиноий жавобгарликдан озод қилиш нафақат етказилган зарар қисман қопланган ҳолатларда, балки мулкӣ зарар умуман бартараф этилмаган (жиноят қонуни атамаси билан айтганда «қопланмаган») ҳолларда ҳам йўл қўйилади.

Жабрланувчи билан ярашиш натижасида жиноий жавобгарликдан озод қилишга фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича йўл қўйилади. Бошқача қилиб айтганда, шахс ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан у шу моддада назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этган бўлса, озод қилиниши мумкин. Айнан шундай жиноят-процессуал институт (хусусий айблов) илгари ҳар қандай кўринишдаги жиноят (ЖПКнинг 84-моддаси, 1-қисми, 6-банди), жумладан оғир ёки ўта оғир жиноятни содир этган шахсни ҳам жиноий жавобгарликдан озод қилишга йўл қўяди ва бунда судланганликни бекор қилиш ёки олиб ташлаш ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Жиноят кодекси 118 ва 119-моддаларининг 1-қисмларида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга на унинг шахси ҳақидаги салбий тавсифнома, на қопланмаган зарарнинг мавжудлиги таъсир ўтказмайди. Агар жабрланувчининг айбдорга нисбатан жиноят иши кўзғатиш сўралган аризаси бўлмаса, ярашувни амалга ошириш мумкин эмас ва тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш масаласини муҳокама қилиш қонунан тақиқланган.

ЖКнинг 66¹-моддасига келсак, «шахс... жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин» сўз бирикмасини қўллаш суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга юқорида келтирилган асосларни қўллаш имконини беради. Аниқроғи, жабрланувчининг жиноят содир этган шахс билан ярашувига қарамасдан, ушбу вазиятда иш бўйича охирги қарорнинг қабул қилиниши мансабдор шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ.

Айбдорни ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмини қўллаб, ЖКнинг 66¹-моддаси асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун шахс томонидан ЖК 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлардан бирини содир этганлиги, айбини тан олганлиги, зиённи қоплаганлиги ёки етказилган зарар бартараф этилганлиги, яъни жиноят содир этган шахсга нисбатан тарафларнинг ярашуви муносабати билан шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун юридик асосдан ташқари, қўшимча талабларни бажариш кераклиги шахснинг айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар йиғиндиси мавжуд бўлишини тақозо этади.

Бошқача қилиб айтганда, агар ЖПК 84-моддасининг 1-қисми 6-банди тегишли органлар зиммасига, шахс айбини оғирлаштирувчи

ҳолатларнинг мавжудлигидан қатъи назар, жабрланувчининг аризаси бўлмаган ҳолларда шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш мажбуриятини юкласа, ЖКнинг 66¹-моддасида бундай қатъий талаблар мавжуд эмас ва у фақат суднинг жабрланувчи билан гумон қилинувчи (айбланувчи ва судланувчи)нинг оддий ярашувига қараганда каттароқ юридик аҳамиятга эга жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда ишни тугатиш имконини беради.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, ЖКнинг 66¹-моддаси, ЖПК84-моддасининг 1 -қисми 6-бандидаги асослардан фарқли ўлароқ, ишни тугатиш учун мустақил асосларни назарда тутди. Шундан келиб чиққан ҳолда жабрланувчи билан ярашиш асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш билан хусусий айблов ишларини кўриб чиқиш тартибини бирлаштириш тўғрисидаги фикрлар илгари сурилади. Бундай турдаги «бирлаштириш» тарафдорлари бир қарашда хусусий айблов учун жуда муҳим бўлган бир хусусиятни ҳисобга олишмаган. Маълумки, хусусий айблов фақат жабрланувчининг ташаббуси билан, айниқса, унчалик оғир бўлмаган жиноятлар содир этилганда, тарафлар ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш учун бошқа ҳолатлар назарда тутилганда кўзғатилади.

Ярашувнинг норматив мустақамланиши асосида давлат манфаатлари ётади, унда хусусий асослар ифодасини излаш керак эмас. Хусусий айблов ва ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш ўртасидаги фарқни тушунишда Л.В. Головкининг нуқтаи назари ишончли кўринади. Унинг фикрича, «хусусий айблов жиноий жавобгарликдан озод қилиш ва тарафларнинг келишуви муносабати билан жиноят ишини тугатиш жиноий-ҳуқуқий низоларни ҳал этиш усуллари тўғрисидаги мутлақо янги тасаввурларнинг ифодаси ҳисобланади»¹. Аниқроғи, ярашув жиноят ҳуқуқи ва процессида қонун чиқарувчининг ЖПКнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, жабрланувчининг хоҳиш-иродаси билан жиноий жавобгарликнинг бошланишини боғлашида эмас, балки унинг ярашувда низони ҳал этишнинг мақбул вариантини кўришидадир.

Шундай қараш ҳам мавжудки, ярашув муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишда қонун чиқарувчи жиноятга оид сиёсатнинг янги моделини, айнан, хусусий айблов ишлари тизимидан зарарни қоплашни рад этиш асосида жиноий таъқибни тугатишни илгари суради. ЖКнинг 66¹-моддасига асосланиб, 118-моддаси 1-қисми ва

¹ Қаранг: *Гуценко К.Ф., Головки Л.В., Филимонов Б.А.* Уголовной процесс западных государств. – М. –2001. – С. 319.

119-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганлик учун жиноий жавобгарликдан озод қилиш мумкинми? Бошқача қилиб айтганда, ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисмида назарда тутилган прокурор қўзғатган жиноят ишини ёхуд номусга тегишнинг оддий таркибини содир этганлик учун жабрланувчининг аризаси асосида ёки жинсий эҳтиёжларни ғайритабиий усулда қондириш жиноят ишини тугатиш тартибига татбиқ этиладими? Қонун чиқарувчи бундай имкониятни қонун даражасида истисно қилади. Чунки ЖКнинг юқорида тилга олинган моддаси ярашув муносабати билан айбдор шахсни жавобгарликдан озод қилувчи нормалар рўйхатига киритилмаган. Бундан ташқари, улар жиноятларнинг амалдаги классификациясига (ЖКнинг 15-моддаси) асосан оғир жиноятлар сирасига киритилган. Ваҳоланки, ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми ва 119-моддаси 1-қисмидаги санкцияларнинг энг кам ва юқори чегаралари 3 йилдан 7 йилгача ўзгариб туради, яъни энг кам (3 йилдан 5 йилгача) ва оғир жиноятлар 5 йилдан 10 йилгача бўлади. Бу шароит юқорида қўйилган масалани ҳал этишни яхши томонга ўзгартиради. Оддий таркибдаги номусга тегиш ва жабрланувчининг хоҳиш-иродаси билан жинсий эҳтиёжни ғайритабиий шаклда қондириш содир этилганда қўзғатиладиган жиноят иши фактини қонун чиқарувчи ушбу процессуал институтни таркибий тузилишига кўра биринчи ҳолатда қўзғатишни рад қилиш ва иккинчи ҳолатда жиноий таъқибни тугатиш учун таркибий бўғин бўлиб хизмат қиладиган ярашув ҳуқуқий институти билан тенглаштиради. Умуман, жиноят-судлов ишларининг ярашув асослари имкониятларини ривожлантиришда ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми ёки 119-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсларни, агар жабрланувчи билан ярашилган бўлса, дастлабки тергов ёки суднинг ҳар қандай босқичида жиноий жавобгарликдан озод қилиш тўғрисидаги масалани ҳал этишда ўхшашлик принципини таҳлил қилиш жуда долзарбдир.

Чунки амалиётда номусга тегиш жиноятини содир этган шахс билан жабрланувчининг тўлиқ ярашган ҳолатлари кўп учрайди. Баъзан айбдор ва жиноят қурбони ҳатто никоҳдан ўтишга тайёрлигини маълум қилади. Бундай ҳолатларда жиноий жавобгарликни амалга ошириш криминологик нуқтаи назарда мақсадга мувофиқ эмас. Шунинг учун номусга тегиш жиноятини содир этган айбдорни ярашув асосида жиноий жавобгарликдан озод қилиш имкониятини қонунга киритиш лозим. Бу билан озодликдан маҳрум қилиш санкциясининг юқори чегарасини етти йилдан беш йилгача камайтиришга эришиш мумкин бўларди. Бунинг натижасида бу жиноят унчалик оғир бўлма-

ган категорияга ўтган ва унга нисбатан ярашув тартиби татбиқ этилган бўлар эди¹.

Ярашув институтининг ривожланишидан ЖПК 84-моддаси 1-қисми 6-банди ҳам далолат бериб турибди, у ЖПК 325-моддаси талабларига асло мос келмайди, чунки қўзғатилмаган жиноят ишини тугатиш мантқиқсиздир. Бошқача қилиб айтганда, жабрланувчининг шикояти бўлмаганлиги туфайли шахснинг айбдорлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмасдан туриб жиноят ишини тугатишни тушуниш қийин (ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 6-банди). Чунки, агар ЖПКнинг 325-моддасида назарда тутилган истисноли ҳолатлар мавжуд бўлмаса, жабрланувчи аризасининг мавжуд эмаслиги ЖКнинг 118-моддаси 1-қисми ёки 119-моддасининг 1-қисми бўйича жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш учун асос бўлади. Бундай ҳуқуқий зиддиятлар жинойий-ҳуқуқий тизимнинг ярашув базасини кенгайтиришига халақит беради. Зеро, жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш лозим бўладиган вазиятларда жиноят ишини тугатиш – процессуал қарор қабул қилиш ярашув ишларида ҳуқуқни қонуний мустаҳкамлайди, бу бир томондан. Иккинчи томондан эса, ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 6-бандини бошқача талқин қилган-да, шуни назарда тутиш мумкинки, қонун чиқарувчи ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 6-бандига амал қилиб, дастлабки тергов органларининг жиноят ишини тугатиш ҳуқуқини мустаҳкамлаш билан жабрланувчининг аризаси мавжуд бўлмаганда, номусга тегиш бўйича жиноят ишини тугатиш ёхуд жабрланувчининг дастлабки тергов жараёнида берган шикоятини қайтариб олиш имкониятига йўл қўяди. Бу эса, ўз навбатида, тарафлар ярашуви процессуал ва ҳуқуқий институтнинг айрим императив қоидалари ўхшашлиги тўғрисида фикр юритиш имконини беради.

Шундай қилиб, ЖКнинг 66¹-моддаси ва ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми билан тартибга солинган ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахсни жинойий жавобгарликдан озод этиш тартибини шунга ўхшаш хусусий айблов жиноятлари тўғрисидаги, жумладан прокурор қўзғатган ишларга ҳам татбиқ этиш мумкин. Ваҳоланки, ЖКнинг 118, 119-моддаларининг 1-қисмларида назарда тутилган ишлар бўйича прокурор қўзғатган жиноят ишлари расман ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 6-бандига мувофиқ унинг тугатилишига тўсқинлик қилади ва бир қарашда ЖКнинг 66¹-моддасида баён қилинган асослар бўйича кўрсатилган жиноятларни содир этган шахсларни жинойий жавобгарликдан озод қилиш

¹ Қаранг: *Шестаков Д. А.* Семейная криминология (криминографамистика). – СПб., 2003. – С. 282.

тўғрисидаги масалани ҳал этишда бирор-бир ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлиши мумкин эмас.

Бироқ, суриштирувчи, терговчи ва прокурор номусга тегиш ёки ғайритабiiй усулларда жинсий эҳтиёжини қондириш тўғрисидаги жиноят ишини кўзғатишдан олдин, худди жиноят процессининг кейинги босқичларидаги каби, ижтимоий низоларнинг қутилмаган оқибатлари юзага келиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда тарафларнинг келишуви учун чораларни кўришга мажбур. Бунда «ярашув» ва «кечириш» тушунчаларини аниқ фарқлаш лозим. Жиноят содир этган шахсни кечириш ҳуқуқи давлатга тегишли (амнистия, афв этиш). Шунинг учун ЖКнинг 66¹-моддасида қонун чиқарувчи фақат жабрланувчи билан ярашув тўғрисида сўз юритади. Бунда ярашув деганда, жабрланувчининг жиноят содир этган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисида берган аризасини қайтариб олиши ёки келишувга эришиш муносабати билан ушбу жиноят ишини тугатиш тўғрисидаги ариза тушунилиши бежиз эмас.

Тарафлар ўртасидаги ярашув, В. Степанов таъкидлаганидек, «ихтиёрий хоҳиш-ирода акти бўлмоғи лозим, шунинг учун ҳар гал ҳуқуқни қўлловчи жабрланувчининг ярашувга розилиги жиноят содир этган шахс ёки унинг яқинлари томонидан қўрқитиш, таҳдид ва бошқалар оқибатида юзага келган мажбурий ҳолат эмаслигини текшириб кўриши лозим»¹. Бундай ҳолатлар аниқланганда суд айбланувчини ярашув асосида жиноий жавобгарликлардан озод қилишга ҳақли эмас.

Агар иш бўйича бир нечта жабрланувчи иштирок этаётган бўлса, айбдор зарарни қоплаши ва уларнинг ҳар бири билан ярашувга эришмоғи лозим. Агар у зарарни қоплаган ва жабрланувчиларнинг фақат биттаси билан ярашувга эришган бўлса, бундай шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

Ярашувни тартибга солувчи бу ва бошқа қоидалар халқаро ташкилотларнинг турли ҳуқуқий ҳужжатларида ўз аксини топган. Масалан, вояга етмаган ҳуқуқбузарларга таъсир кўрсатишнинг муқобил усулларини қўллаш бўйича кўрсатмалар 1995 йилда қабул қилинган Ювенал юстиция бўйича қоидаларнинг минимал стандартлари 11-моддасида назарда тутилган. Хусусан, 11.4-моддасининг қоидаси миллий қонун чиқарувчига ЖК ва ЖПКга ҳуқуқбузарга таъсир кўрсатишнинг муқобил имкониятларига мурожаат қилиб, судлов ишларини тартибга солувчи қоидалар қўшишни уқтиради.

¹ *Степанов В.В.* Освобождение от уголовной ответственности в связи с примирением с потерпевшим // Российская юстиция. – 2001. – № 8. – С. 52.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазолар сонини қисқартиришни илгари сурган жиноят одил судлови соҳасидаги мутахассислар ҳам шундай хулосага келдилар. Инсонпарварлик қарашлари билан бирга, турмада сақлашга сарфланадиган харажатлар ва унинг оқибатларидан халос бўлишга уриниш нуқтаи назаридан соф прагматик важлар ҳам мавжуд.

Ушбу муаммога бағишланган ва Москвада (1999 йил), Буюк Британияда (1999 йил), Олматада (1999 йил) бўлиб ўтган халқаро конференцияларда жиноят-ижроия тизими фаолиятини ислоҳ қилиш, озодликдан маҳрум қилишнинг муқобил чораларини қўллашни такомиллаштириш ва жадаллаштириш зарурати етилганлиги таъкидланади¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаҳонда юз бераётган ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасидаги вазиятга ўз муносабатини билдирар экан, «биз учун, энг аввало, жазолар тизимининг қатағон қилувчи, жазоловчи функцияларини торайтириш ва қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолатлилик ва инсонпарварлик принципларини амалга оширишни таъминлаш муҳимдир»², деб таъкидлади. Бу моҳият эътибори билан Ўзбекистонда жабрланувчининг ҳуқуқларини қайта тиклаш одил судловни шакллантиришнинг сиёсий шарт-шароити сифатида ёрқин намоён бўлмоқда.

Бу жиҳатдан жиноят-судлов ишларининг анъанавий усулларига нисбатан муносабатда муқобил восита бўлган жиноят қурбонига етказилган зарарни қоплаш бўйича келишувни ишлаб чиқиш мақсадида бетараф шахс (медиатор-воситачи) иштирокида жиноят қурбони (жабр кўрган) ва ҳуқуқбузар ўртасида ихтиёрий келишувга эришиш шаклида ярашув институтини такомиллаштириш масалалари олдинга чиқади.

Европа Кенгаши Вазирлари Қўмитаси ўзининг 1999 йил 15 сентябрда қабул қилган К 99 тавсиясида жиноятчиларнинг қайта ижтимоийлашуви ва жамиятга сингиб кетишига имкон берадиган масъулият ҳиссини кучайтиришга қаратилган жиноят қурбони ва ҳуқуқбузар ўртасидаги ярашувда медиациянинг аҳамиятини таъкидлаб ўтдилар.

Чунки яраштирувчи (медиатор-воситачи) жабрланувчи ва жиноятчини яраштириш мақсадида икки томонни – ҳуқуқбузар ва унинг қурбонини ўрталарида келиб чиққан муаммони ҳал этишга фаол жалб

¹ Қаранг: *Кержнер М. Ю.* Использование СМИ в формировании общественного мнения по проблемам альтернативного наказания // *Хуқуқ–Право–Law.* – 2002. – № 3. – С. 63.

² *Каримов И. А.* Адолат – қонун устуворлигида // *Тинчлик ва хавфсизлик учун курашмоқ керак.* Т.10. – Т., 2002. – Б.36–52.

қилади. Натижада низони бартараф этиш имконияти кенгайди, етказилган зарар тез ва реал қопланиши таъминланади, уларнинг муаммоси ҳал этиш бўйича курашиши бартараф қилинади¹.

Ярашувнинг ҳуқуқбузарларга судланганлик тамғасидан қутилиб қолиш имкониятини бериши, жиноят учун анъанавий жазоловчи санкциянинг муқобили ҳисобланиши ҳам катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарлар учун фойдаси ярашув уларга ўз ишларини ҳал этишда иштирок этиш имкониятини ва бошқа одамга етказилган зарарни англашга, ўз қилмишининг оқибатларини тушуниб етишга ва сўнгра уларни қоплаш имкониятини беришда ифодаланади.

Ярашув жабр кўрганлар учун ҳам фойдалидир. У зарарни қоплаш муаммосини ҳал этишга бевосита таъсир кўрсатади, моддий ёки маънавий шаклда зарар учун тўловни олиш имконини беради, кўрқув ҳиссини камайтиради, руҳий толиқишни йўқ қилади.

Медиация натижасидаги ярашув одил-судлов органлари учун ҳам, жамият учун ҳам фойдадан холи эмас. Чунки у фуқароларнинг ҳуқуқий тарбиясига кўмак беради, хавфсизлик туйғусини мустаҳкамлайди, маблағлар, вақт ва ташкил қилувчи кучларни тежаш билан бирга, судларнинг нисбатан муҳим ишларни амалга ошириш имкониятини кенгайтиради².

Ярашув институтининг одил судловни тиклаш – медиация элементларини жорий қилиш томонга ривожланиши «ярашув институти томонидан жиноят қонунида мустаҳкамланганларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан ҳам, айбланувчи томонидан ҳам суиистеъмолликлар қилинишининг олдини олади. Чунки ярашув бўлмаганида айбланувчилар жабрланувчиларга нисбатан, жавобгарликдан озод бўлиш мақсадида, таҳдид қилиш ва мажбур қилишга уринардилар»³.

¹ Қаранг: *Комарицкий С.Н.* Рецидив преступления со стороны осужденных к наказаниям, не связанным с лишением свободам: проблема предупреждения / В сб.: научных трудов: Уголовное наказание и проблема его исполнения. – М., 1998. – С. 105.

² Ю. И. Битко. Рецидив муаммосини ўрганар экан, қайта виктимлик юзага келишининг олдини олишда медиация институти асосий ўрин тутишини таъкидлайди. Қаранг: *Битко Ю.И.* Учение о рецидиве преступлений в российском уголовном праве: история и современность: Автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Н. Новгород, 1998. – С. 37.

³ *Абдиканов Н. А.* О совершенствовании правового института освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением сторон. / В сб.: О проблемах правоприменительной практики освобождения от уголовной ответственности в связи с примирением сторон. – Астана. – 2006. – С. 31.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида, хусусан, ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жабрланувчи билан ярашувнинг жиноий-ҳуқуқий механизми мавжуд эмаслиги туфайли бу институт мантиқан тугал кўринишга эга бўлмаган ва бу унинг потенциалдан амалиётда ва назарий ўрганишда тўлиқ фойдаланишга тўсик бўлмоқда.

Шундай қилиб, томонларнинг ярашуви институтини жорий этиш конституциявий асосларнинг татбиқ этилишини, жамият томонидан ҳуқуқбузарни жазолаш ёки уни жазолаш билан кўрқитиш зарур бўлмаган тақдирда асл моҳиятига кўра ҳуқуқни тикловчи одил судлов концепцияси ҳам жорий этилишини билдиради. Бошқача айтганда, жиноят-судлов ишларини юритишда ярашув асосларини кенгайтириш истиқболлари фақатгина жиноят ҳуқуқининг рағбатлантирувчи нормаларининг ривожланишинигина эмас, балки миллий қонунчиликда илгари мавжуд бўлмаган медиация институтининг имплементация қилиниши заруратини ҳам туғдиради. Бу эса юзага келган низонинг илдизини топиб, рецидивдан огоҳлантириш мақсадида жиноят содир этилишига олиб келувчи сабаблар, мотивларни аниқлаш ва бар-тараф этиш учун иштирокчиларнинг руҳий қийинчиликларга учрашига барҳам беради.

Фойдаланилган адабиётлар

Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т., 2000. – 525 б.

Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т., 2001. – 439 б.

Каримов И. А. Адолат – қонун устуворлигида // Тинчлик ва хавфсизлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т., 2002. –Б.36–52.

Каримов И. А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т. 10. –Т., 2003. – 336 б.

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза (2010 йил 12 ноябрь). – Т., 2010. – 56 б.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2014. – 40 б.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси: (2014 йил 1 октябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т., 2010. – 408 б.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал кодекси (2014 йил 1 мартгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т., 2010. – 672 б.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодекси (2014 йил 1 январгача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан). Расмий нашр / Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т., 2008. –192 б.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонуни // (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 165-м).

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Ярашув тўғрисидаги ишлари бўйича суд амалиёти ҳақида»ги 27-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Иккинчи жилд. – Т., 2006. – Б. 126–129.

Зарипов З. С. Правовой механизм профилактики преступлений. – Т., 1990. – С. 169

Иногамов Ш. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинганларнинг жазони ўташ шароитларини таснифлаш ва дифференциаллаштириш. – Т., 2001. – Б. 71.

Иногамов Ш. Правовой статус осужденных в местах лишения свободы. - Давлат ва ҳуқуқ. – 2000. – № 3. – С. 62

Каракетов Й. М., Усмоналиев М. Социал муҳит ва жиноятчилар шахсининг шаклланиши // Ўзбекистон Республикаси қонунларини ривожлантириш масалалари ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашда татбиқ этилиши. – Т., 1993. – Б. 48–49

Рустамбоев М. Х., Якубов А. С, Каракетов Ю. М. Концепция законодательства Республики Узбекистан о преступлениях и наказаниях. – Т., 1994. – С. 94

Саҳаддинов С. М. Суд муҳокамасида жиноят-процессуал ярашувни такомиллаштириш муаммолари: Юридик. фан. номз. ... дис. автореф. – Т., 2005. –18 б.

Якубов А. С, Кабулов Р. Новое в уголовном законодательстве. – Т., 1995.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
ЯРАШУВ ИНСТИТУТИНИНГ МОҲИАТИ ВА ИЖТИМОИЙ ЗАРУРАТИ.....	5
ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ ТАРТИБИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА АҲАМИЯТИ.....	9
ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ	19
ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ.....	31
ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ ТОМОНИДАН ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ	34
ҲУҚУҚНИ ТИКЛОВЧИ ОДИЛ СУДЛОВ – ЯРАШТИРУВ ИНСТИТУТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШИ.....	48
Фойдаланилган адабиётлар	66

Санжар Мэлсович НИЗАМОВ

ЯРАШУВ ТЎҒРИСИДАГИ ИШЛАРНИ ЮРИТИШ
БЎЙИЧА ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ОРГАНЛАРИ
ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

*Муҳаррирлар Б. А. Яров
Техник муҳаррир Д. Р. Джалитлов*

Босишга рухсат этилди 20.03.2016. Нашриёт ҳисоб табағи 4,5.
Адади 20 нусха. Буюртма № _____. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.